



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazeta facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№7

2025-yil
19-fevral, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqqa boshlagan



Парламент бугун мутлақо янги ча фаолият олиб бормоқда. Табиийки, бунда мамлакатимиздаги ислохот ва янгиланишларнинг ўрни катта. Айтиш керакки, парламент очиклик ва адолат тамойилларини амалда намойиш этмоқда. Эътиборлиси, янги даврда юзага келаётган бу ўзгаришлар ўз самарасини беряпти. Яъни, халқчил қонунлар, аҳоли манфаатига хизмат қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда ва ҳамюртларимиз ҳаётида ўз ифодасини топишмоқда.

Инсон манфаати ҳамма нарсадан устун, деган ғоя асосида ислохотлар амалга оширилаётган бир даврда, шубҳасизки, депутатларнинг вазифаси уларнинг ҳуқуқий негизини яратиш, бўшлиқларни тўлдириш, янада такомиллаштиришдан иборат. Айни шу паллада парламент вакиллари бу вазифаларни қай даражада амалга ошираётгани барча учун қизиқ, албатта.

Гап шундаки, сайловчилар натижа кутмоқда. Демак, барча сиёсий бирлашмалар қатори Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва ундан сайланган депутатлар ўз дастурида белгиланган ижтимоий масалаларда жўяли таклифлар, кескин талаблар қўйиш ва муаммолар ечими юзасидан қатъий позиция билдириш ваколатидан самарали фойдаланиши зарур. Қўйи палатадаги партия фракцияси қонун лойиҳалари муҳокамасига шу нуқтаи назар билан ёндашяпти ва дастурий ташаббуслар қонун кўринишида амалиётга татбиқ этилмоқда.

2 САҲИФАДА

Жўяли таклифлар, кескин талаблар ва қатъий позиция электорат манфаати учун курашда асосий омиллардир



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ:

САҲРО БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА



БУХОРОНИНГ ҚОРОВУЛБОЗОРИГА ҲЕЧ БОРГАНМИСИЗ? БОРА-БОРГУНЧА ЧЎЛ ТАРОВАТИДАН БАҲРАМАНД БЎЛАСИЗ, ҚУМ БАРХАНЛАРИ, САКСОВУЛ, ЮЛҒУН, АДОҒИ ЙЎҚ КЕНГЛИКЛАР. ТАБИАТ ЎЗ САҲРОСИГА ДОИР БАРЧА КўРИНИШИНИ СИЗГА БОР Бўйи билан намоён қиладди. ЧЎЛ ОРАЛАБ ЮРСАНГИЗ ҲАМ ЙЎЛ УЗОҚЛИГИ БИЛИНМАЙДИ. ЧУНКИ, БОРЛИҚ ХУДДИ МУСАВВИР ЧИЗГАН РАСМ КАБИ КўРИНАДИ, ҚАРАБ ТўЙМАЙДИ КИШИ. Тўғри, анча юрасиз, ҳеч ким кўринмайди, чўл кимсасиздек кўринади. ШАМОЛНИНГ ЮЗГА ТЕГАР-ТЕГМАС МАЙИН ОҲАНГЛАРИГА ЧАЛҒИБ, ЯНА ОЗГИНА ЮРСАНГИЗ, У ЕРДА ҲАЁТ ҚАЙНАЁТГАНИНИ КўРАСИЗ.

6

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИ ВА МУҲИМ БЎҒИНИ



Янги Ўзбекистонда маҳалла тизими ҳаётида янги давр, янги ўзгаришлар силсиласи рўй бермоқда. Маҳалланинг жамиятдаги ижтимоий аҳамияти оширилиб, аҳоли ҳаётини яхшилашда оддий иштирокчи ёки ижрочи эмас, балки қарор қабул қиладиган, мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этадиган марказга айлантирилди.

Энг муҳими, маҳалла шундай ўзига хос “платформа” вазифасини бажарадики, бунда инсонлар ўзи истиқомат қиладиган ҳудуд тақдирига дахлдорлик туйғусини ҳис этади, бу эса юртдошларимизнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши, қийин вазиятларда ёрдам қўлини чўзиши, ҳолидан хабар олиши учун шароит яратади. Барча жабҳадаги долзарб масалалар ечими маҳалла даражасига туширилгани мазкур ўзини ўзи бошқариш органи чин маънода мамлакат тараққиёти “драйвери” бўлишига замин яратяпти.

3 САҲИФАДА

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА КЕЛАЖАККА ДАДИЛ ҚАДАМ



ЎТГАН ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕЛИКЛАРИДАН БИРИ, ШУБҲАСИЗ, ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ ЁШЛАР ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ БЎЛДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗ Бўйлаб фаол йигит-қизларни қамраб олган ва ғоятда самимий руҳда ўтган мулоқот мамлакатнинг стратегик ресурси саналган навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш, йигит-қизларнинг ўз салоҳиятини намоён этиши учун янги имкониятлар яратиш, ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини сезиларли ошириш борасида фикр-мулоҳазалар алмашиш, янги таклифларни ўртоқлашиш учун ПЛАТФОРМА ВАЗИФАСИНИ БАЖАРДИ

5

ДАВЛАТ ДАСТУРИ: БОШ МАҚСАД – ҲАЁТ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Ўзбекистонда яхши ният билан янги бошланган йилга ном берилади. Айниқса, кейинги йилларда номлар ҳам, режалаштирилган ишлар ҳам кенг қамровли бўлмоқда. Яъни, давлатимиз юксалгани сари режалар ва мақсадлар ҳам юксалиб бормоқда.

Эсингизда бўлса, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисидаги нутқида экология ва иқлим ўзгариши масалаларига алоҳида урғу бериб, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, қазилма ёқилғиларни беҳисоб ишлатиш глобал иссиғига, табиий офатларнинг кўпайишига олиб келаётгани, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказётганлигини таъкидлади. Президент шу жиҳатларни инobatга олиб, 2025 йилни мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиш таклифини билдирди. Бу кўпчилиكنинг кўнглидаги гап бўлди.

4

Жўяли таклифлар, кескин талаблар ва қатъий позиция

электорат манфаати учун курашда асосий омиллардир

(Давоми. Боши 1-бетда)

ХДП ҒОЯЛАРИ ҲАЁТГА КЎЧМОҚДА

Халқ демократик партиясининг асосий ғоя ва мақсадларида ижтимоий ҳимоя масалалари устуворлик касб этади. Ана шулардан бири давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш билан боғлиқдир. Бу борада илгари сурилган ташаббусга кўра, барча фуқаролар учун пенсия ва ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга етарли бўлишига эришишга алоҳида эътибор қаратади. Зеро, Ўзбекистонда узок умр кўриш кўрсаткичлари ошиб бормоқда. Мазкур тенденция барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш билан бирга кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришни тақазо этади.

Фракциялар йиғилишида ҳамда палата мажлисида пенсия тизимида янграчи ислохотлар ва ўзгаришларни қамраб олган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Бунга эҳтиёжни келтириб чиқарган жихатларга тўхталиб ўтсак.

Аввало, ёшга доир пенсияларни фуқаролар белгиланган ёшга тўлиши муносабати билан алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартибини жорий этиш ва нафақаларни тўлаш тартиби бўйича янги тартиб-қоидаларни белгилаш зарурати юзага келган. Ваҳоланки, халқроқ тажрибада қўллаб давлатлар аллақачон ушбу механизмга ўтган. Шунингдек, мақбуллаштирилган вазирлик ва идораларни янги номи билан баён этиш ва фуқароларга давлат хизмати кўрсатиш сифатини янги босқичларга олиб чиқиш давр талаби саналади. Бунинг учун соҳага ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, фуқароларнинг пенсия таъминотини халқроқ стандартларга ва замон талабларига мувофиқлаштириш муҳимдир.

Таклиф этилаётган лойиҳа билан эса айни ушбу тартиб жорий этилмоқда. Хусусан, пенсия ҳамда нафақаларни тўлаш юзасидан ваколатли давлат органларининг вазифа ва функцияларини аниқлаштириш назарда тутиляпти. Бундан ташқари, қонунчиликка пенсия ва нафақа олувчилар тўғрисида маълумотлар олиш, пенсия ва нафақалар тўланишига оид даъво ишларида давлат божидан озод этиш бўйича айрим тахририй ўзгартаришлар киритилмоқда. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш, пенсия тайинлашда иш ҳақи ва стажини ҳисоблаш тартибини соддалаштириш қонун доирасида мустаҳкамланмоқда.

Палата мажлисида кўриб чиқилган лойиҳага кўра, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддаси қўшимча меъёр билан тўлдирилмоқда.

Қонунда белгиланишича, вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандларга ва ота, она, ўгай ота, ўгай она, хотин, эр, башарти улар пенсия ёшига тўлган ёки ногиронлиги бор шахс бўлсалар пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганидан қатъи назар тайинланади.

Қонунчиликка кўра, эркаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Айтиш керакки, бу Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларига ҳамоҳангдир. Зеро, партия ташаббуслари орасида эр ёки хотини вафот этганди ҳамда вафот этган шахс кўпроқ пенсия олган тақдирда, ушбу пенсияни унинг ҳаёт бўлган турмуш ўртоғига ўтказиб бериш тартибини жорий этиш масаласи ҳам ўрин олган. Янги тартиб билан эса камроқ пенсия олаётган эр ёки хотин қонунан пенсиясини кўпроқ миқдордагисига алмаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши пенсия тайинлаш тизимига замонавий рақамли технологияларни фаол татбиқ этган ҳолда, давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада оширишга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, лойиҳа учинчи ўқишда маъқулланди ва юқори палата муҳокамаси учун юборилди.

ИЖТИМОЙ СУҒУРТА — ПАРТИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ТАШАББУСИ АМАЛДА

Биламизки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори. Бу мақсадга эришиш учун ўз сайловолди дастурида қатор ғояларни илгари сурган. Хусусан, иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самарадорлигини таъмин-

лаш, иқтисодиётда давлатнинг асосий тартибга солувчи ролини кучайтириш учун таклиф этилган масалалар орасида ишсизлик бўйича мажбурий ижтимоий суғурта миллий моделини жорий этиш ташаббуси ҳам белгиланган эди.

Шу кунларда парламентда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси билан мазкур ташаббус амалиётга татбиқ этилиш арафасида турибди. Яъни, давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун лойиҳаси кеча бўлиб ўтган палата мажлисида иккинчи ўқишда тасдиқланди. Масалага бироз ойдинлик киритсак.

Айтилик, давлат ижтимоий суғуртаси нега керак ва бу институт нималарга хизмат қилади?

Аввало, янги тахрирдаги Конституциямизда айни шу масалага алоқадор меъёрни келтириб ўтсак. Гап шундаки, Бош қонунимизда ҳар ким меҳнат қобилиятини йўқотганида ҳамда ишсизлигида ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Аммо бугунги кунда ушбу талаб амалиётда тўлиқ самара беряпти, деб айта олмаيمиз. Чунки ходимлар вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганида ёки ишдан бўшатилганда ижтимоий қўллаб-қувватлашда бир қатор муаммоларга дуч келмоқда.

Масалан, ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари иш бевувицлар учун ортиқча молиявий юклама ҳисобланади. Шунинг учун бундай нафақалар ҳусусий секторда тўланмайди. Шунингдек, ҳомиладорлар ё ишга олинмайди ёки бирор баҳона билан бўшатиб юборилади.

ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК, ЮҚОРИДАГИ ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ БИЛАН БИР ҚАТОР МУҲИМ МЕЪЁРЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА. Яъни, ЛОЙИҲАДА ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИ ТИЗИМИ ВА ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИ ТЎЛОВЛАРИНИ ТЎЛАШ СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ НАЗАРДА ТУТИЛГАН. ЖУМЛАДАН, КАСАЛЛИК ТУФАЙЛИ ВАҚТИНЧА МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК, ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ ҲАМДА ИШ ЁКИ ДАРОМАДНИ ЙЎҚОТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛАТЛАРДА НАФАҚА ТЎЛАШ КАФОЛАТЛАНАДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ НАФАҚАСИ ҲАМДА ИШДАН БЎШАТИЛГАНЛИК НАФАҚАСИ ҲАМ ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ҚАЙД ЭТИЛМОҚДА.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича суғурта ҳодисалари рўй берганда тегишли тўловларни тайинлаш ва тўлаш тартиби, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва тугатиш асослари ҳам мазкур ҳужжатдан жой олмақда.

Палата мажлисида ушбу масала кўриб чиқилар экан, вақтинча меҳнатга лаёқатсиз ёки ҳомиладор ва туғуруқ таътилидаги аёлларнинг манфаатларини ҳимоялаш ҳамда ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилиши таъкидланди. Мажлисда қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ ОЛИШНИНГ КАФОЛАТИ

Сир эмаски, соғлиқни сақлаш соҳасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида оилавий шифокорлар ёки тиббиёт бригадалари томонидан аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмига қирадиган хизматлар бепул асосда кўрсатилмоқда. Шунингдек тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бироқ қонунчиликда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан қўшимча хизмат турларини пулли асосда кўрсатилишини таъминлаш мақсадида тиббиёт ва фармацевтика ходимларини уларга берилган малака тоифаси бўйича давлат рўйхатидан ўтказишни назарда тутувчи тартибни белгилаш зарурати юзага келмоқда. Бунинг учун айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш лозим. Ҳафта бошида бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида айни шу масала иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Фракция раҳбари Улуғбек Иноятов мазкур қонун билан мос равишда “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги

ва “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунларга киритилиши кўзда тутилган ўзгариш ва қўшимчалар Конституция ва бошқа меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган инсон ҳуқуқларига зид келмаслигини таъкидлади. Ушбу соҳа вакиллари ўртасида қонуннинг асл мақсадини тўғри тушунтириш лозимлиги қайд этилди.

Қонунчилик палатасининг бу галги мажлисида ҳам айни масала муҳокама қилинди. Таъкидланишича, мазкур қонун лойиҳаси билан аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларига киритилмаган қўшимча тиббий ёрдам кўрсатиш ҳуқуқий тартибга солинади. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш орқали уларга касбий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини бериш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонунга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмида белгиланганидан ортиқча тиббий ёрдам ва бошқа хил қўшимча хизматлар, шунингдек, оилавий шифокор ёки тиббиёт бригадаси йўлланмаси бўлмасдан, тўғридан тўғри мурожаат қилган фуқароларга пуллик асосда тиббий ёрдам кўрсатиш таклиф этилмоқда.

Бир меъёр билан тиббий таълим ташкилотларини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахсларга мавжуд малака тоифасини олиш тизими ичида автоматик тарзда давлат рўйхатидан ўтказилишини назарда тутувчи ўзгартаришлар киритилмоқда.

Кутилаётган натижаларга кўра, бу орқали аҳолининг юқори сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинади. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида фуқароларга қўшимча тиббий ёрдам ва оилавий шифокор ёки тиббиёт бригадаси йўлланмасисиз тўғридан тўғри пуллик асосда тиббий ёрдам кўрсатиш имкони юзага келади.

Ушбу қонун лойиҳаси ҳам юқори палатага юбориладиган бўлди.

ҚОНУНЛАР БАРЧА УЧУН ТУШУНАРЛИ ТИЛДА БЎЛИШИ ТАРАФДОРИМИЗ

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ҳамда “Масъулиятли чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунларда ҳўжалик жамиятларининг ижро органи, кузатув кенгашининг фидуциар мажбуриятларини ҳамда мажоритар акциядорларининг ёхуд иштирокчиларининг умумий мажбуриятлари бўйича жавобгарлиқни аниқлаштириш.

Палата мажлисида айни ушбу масалаларда қонунчиликка ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Қонун ташаббускорлари лойиҳа концепциясини депутатларга тушунтириб берди.

Таъкидланганидек, лойиҳани ишлаб чиқишдан асосий мақсад низоларни судгача ҳал қилиш механизмларининг амалиётда самарали ишлашини таъминлаш, медиация соҳасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш орқали судларда иш юкламасини қамайтиришга эришишдан иборат.

Бу орқали медиация қўлланладиган соҳалар доираси кенгайтирилмоқда. Нотариусларга “Медиация тўғрисида”ги қонунда белгиланган барча турдаги соҳалар бўйича медиатор вазифасини амалга ошириш ваколати берилляпти.

Шунингдек, медиаторларнинг ҳар уч йилда малакасини ошириш зарурати белгиланмоқда. Медиатив келишувни мажбурий ижро этишга оид қоидалар киритилмоқда.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоларини лойиҳадаги янги сўзлар билан қириб келаётган тушунчаларнинг мазмунни қиқиртирди. Хусусан, фидуциар тушунчаси халққа тушунарли сўзлар билан ифодаланиши кераклиги таъкидланди.

Ташаббускорларга кўра, бу тушунча Президент қарор, фармонлари, ҳукумат ҳужжатларида келтирилган. Бироқ мазкур тушунча қонунчиликка янгилик сифатида киритилмоқда. Шу маънода қонун ташаббускорлари фудуциар атамасининг маъносини изохлашга ҳаракат қилди.

Бироқ фракция аъзолари бу масалага депутатлар олдида эмас, қонунда ойдинлик киритиш кераклигини қайд этди. Асосий тушунчалар сифатида ушбу сўзнинг изоҳланиши кейинчалик ундан фойдаланувчилар учун қийинчиликларни юзага келтирмаслигига урғу берилди.

Ташаббускорлар фракция тақлифини кейинги ўқишгача лойиҳага киритишини билдирди.

Муҳокамалардан сўнг лойиҳа концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, “Ўзбекистон овози” мухбири.



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА



ТАХТАКЎПИР: ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ ВАКИЛЛАРИ МАКТАБИ ЎЗ ИШINI БОШЛАДИ

2021 йил 12 октябрда Олий Мажлис Сенатининг “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг Сенат ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳамда янги авлод заҳира кадрларини шакллантириб бориш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди.

Мазкур ҳужжат асосида, ҳудудлардаги ташаббускор, билимли, замонавий касб эгалари бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқ депутатлари Тахтакўпир туман Кенгашининг қарори билан Ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилиб, унинг аъзоларига ҳудудлардан сайланган депутатлар бириктирилди.

Яқинда вакиллар мактабининг биринчи йиғилиши ўтказилиб, унга А. Аяпбергеннов раҳбар этиб сайланди ва 2025 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

ОҚОЛТИН: МТТДА ТАҲЛИЛИЙ НАЗОРАТ



Халқ депутатлари Оқолтин туман Кенгаши депутати Қ.Ҳақимова томонидан “Кўркем диёр” МФЙ ҳудудига жойлашган 10-давлат мактабгача таълим ташкилотига ўрганиш ишлари олиб борилди.

Хусусан, туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи аъзоси тарбияланувчиларга яратилган шароитлар ва мавжуд муаммоларни ўрганди.

Ушбу жараёнда депутат тарбияланувчиларнинг соғлом овқатланиши ҳамда муассасада болаларга берилаётган таълим-тарбия ишлари билан яқиндан танишди.

Назорат-таҳлил якунида мактабгача таълим ташкилотигаги камчиликлар мутасаддилар иштирокида муҳокама қилинди. Муаммоларни бартараф этиш чоралари кўриладиган бўлди.

ҚОРОВУЛБОЗОР: ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТАРҒИБОТИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА



Ўзбекистон ХДП Қоровулбозор тумани Кенгаши ташаббуси билан 2025 йилга мўлжалланган Давлат дастури муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди. Унда туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Туман партия Кенгаши раиси М.Эргашев учрашувда дастурда белгиланган вазифалар партиямиз мақсад ва ғояларига уйғун ва ҳамоҳанг эканини таъкидлади. Айниқса, камбағал оилалар фарзандларини тайёрлаб, олий таълим муассасаларига белгиланган тартибда грант асосида қабул қилиниши, оилавий поликлиникалар, оилавий шифокорлик пунктлари ва маҳалла тиббиёт пунктларида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг самарали тизимини жорий этишга оид масалалар халқимизни рози қилишини таъкидлади.

Учрашувда дастурдаги вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтилди.

ШАРОФ РАШИДОВ ТУМАНИ: “САЛОМАТЛИК АКЦИЯСИ” ЎТКАЗИЛДИ



Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманининг Бобур маҳалласида жойлашган 22-сонли оилавий поликлиникада “Саломатлик акцияси” ташкил этилди.

Тадбир доирасида маҳалла аҳолиси малакали шифокорлар кўригидан ўтказилиб, уларга зарур дори-дармонлар ва тиббий тавсиялар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят Кенгаши раиси И.Раҳмонқулова, масъул ходими Д.Турғунова ҳамда фаоллар иштирок этди.

Маҳалла аҳолиси поликлиникада барча шароитлар мавжудлиги, узок масофани босиб шаҳарга бориш зарурати йўқлигини таъкидлаб, кўрсатилган хизматлардан мамнун эканини билдиришди.

Мазкур тиббиёт муассасасида кардиолог, стоматолог, педиатр, невролог хизматлари ҳамда УТТ аппарати ва қон таҳлиллари учун барча керакли жиҳозлар мавжуд.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.



Қахрамон ҚУРОНБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси раиси,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

Янги Ўзбекистонда маҳалла тизими ҳаётида янги давр, янги ўзгаришлар силсиласи рўй бермоқда. Маҳалланинг жамиятдаги ижтимоий аҳамияти оширилиб, аҳоли ҳаётини яхшилашда оддий иштирокчи ёки ижрочи эмас, балки қарор қабул қиладиган, мавжуд муаммоларни тейзорлик билан ҳал этадиган марказга айлантирилди.

Энг муҳими, маҳалла шундай ўзига хос “платформа” вазифасини бажарадики, бунда инсонлар ўзи истиқомат қилаётган ҳудуд тақдирига дахлдорлик тўғрисида ҳис этади, бу эса юртдошларимизнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши, қийин вазиятларда ёрдам қўлини чўзиши, ҳолидан хабар олиши учун шароит яратади. Барча жабҳадаги долзарб масалалар ечими маҳалла даражасига туширилгани мазкур ўзини ўзи бошқариш органи чин маънода мамлакат тараққиёти “драйвери” бўлишига замин яратаяпти.

ЖАМИЯТ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Халқимиз учун жамият маҳалладан бошланади. Тўй-маъракамизни маҳалла-қўйсиз тасаввур қила олмаймиз. Инсон бошига тушадиган ҳар неки яхши-ёмон кун борки, кўни-қўшни, маҳалла-қўйга сўнамиз. Ҳаттоки, шахсий турмушимизда фавқулодда қарор қабул қилмоқчи бўлсак ҳам, “Маҳалла-қўй нима деркин...” деган андиша билан рўбарў келамиз. Маҳалла, бу — мен, сиз, ҳаммамиз!

Аҳамиятлиси, эндиликда маҳалла халқ билан мулоқот қилишда, катта-ю кичикни ўйлантираётган ўткир масалаларга халқчил чора топишда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда давлат идоралари учун ҳақиқий кўмакчи бўлиб борапти.

“Инсон – жамият – давлат” тамойилига асосланган барча эзгу ишлар маҳалладан илдиз отмоқда. Бу, аввало, тизимни такомиллаштиришга қаратилган конституциявий ислохотлар самараси билан боғлиқ.

Хабарингиз бор, 2023 йилда янги тахрирда қабул қилинган Конституциямизда маҳаллаларга одамларни қийнаётган муаммоларини ҳал этиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколатини бериш, бунинг учун ташкилий ва молиявий имкониятлар яратиш белгиланди. Шундай қилиб, ушбу тузилма тегишли ҳудудни мустақил бошқариш ва ривожлантириш, аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, давлат билан шериклик асосида зарур чора-тадбирлар кўриш, самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун муҳим имкониятларни тақдим этиш кафолатларига эга бўлди.

Келинг, қуйида биргана ўтган 2024 йилнинг ўзида тизимда рўёбга чиқарилган залворли ўзгаришлар, ютуқлар ва пировардида халқро эътирофларга назар ташлайлик.

“ЕТТИЛИК” ЕЧМАЁТГАН МУАММОЛАР ҚОЛМАЯПТИ

2024 йилнинг 2-5 октябрь кунлари қўхна Самарқанд шаҳрида “Аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни” мавзусида I Халқаро конференция ўтказилди. Анжуманда мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатни юритиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, ишбилармонлик

салоҳиятини қўллаб-қувватлашда маҳалланинг иштироки, хусусан, “маҳалла еттилиги” фаолиятига алоҳида урғу берилди.

Конференция якунлари бўйича “Самарқанд декларацияси” имзоланди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, БМТ Бош қароргоҳида мазкур декларация 194 та давлат вакиллари томонидан расмий ҳужжат сифатида қабул қилинди.

БМТ олтита расмий тилда эълон қилган ушбу ҳужжатда Янги Ўзбекистонда маҳалланинг роли ва ваколатларини кучайтириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жаҳон ҳамжамиятини Ўзбекистонда мавжуд ўзини ўзи бошқаришнинг “маҳалла” тизими билан кенг таништириш зарурлиги айтиб ўтилди. ЮНИСЕФ “бугунги тез ўзгарувчан ва хавфли дунёда маҳаллани Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга оширишнинг кучли платформаси сифатида кўриш”ни баён қилди. Жамиятда оилалар билан ишлаш, шу орқали ҳар бир инсоннинг орзу-ташвишларини билиш, турмушидаги муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслик учун интилаётган Янги Ўзбекистон маҳаллалари фаолияти инсонпарварликнинг ёрқин намунаси экани бирдек қайд этилди. Бу қувонарли, албатта.

Сўз фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган мазкур тизим ҳақида борар экан, “маҳалла еттилиги” ҳақида тўхталиб ўтмасликнинг илоҳи йўқ. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ҳодим ва солиқ инспекторидан иборат “маҳалла еттилиги” ташкил этилгани натижасида аҳолининг барча қатлами билан ишлаш, манзилли, самарадор дастурларнинг қоғозларда қолиб қетишининг олдини олиш, “хонадонбай” ўрганиш асосида ҳудуддаги ҳар бир оиланинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳолатини ўрганиш имконияти юзга келди. Ҳозирда “маҳалла еттилиги” аъзоларининг 90 фоизга яқини олий маълумотли кадрлардан иборатлиги, чорак қисми ёш ҳодимлар экани, “еттилик” ичида опа-сингилларимизнинг улуши 25 фоизга яқинлиги диққатга молик жиҳатдир.

Қисқа вақт ичида “еттилик”ка қўлай шароит яратиш мақсадида 252 та янги маҳалла биноси қурилди, 530 таси таъмирланди ва реконструкция қилинди, 2,5 мингдан зиёд маҳалланинг моддий-техник базаси замон талабларига мослаштирилди. “Рақамли маҳалла” платформаси жорий этилиб, 40 дан ортиқ давлат органлари билан интеграция қилинди.

“Еттилик” тизими ишга тушгач, аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатувчи муаммоларни бартараф этиш бўйича “йўл харита”лари, маҳаллалар “Омбор китоби” ишлаб чиқилди. Бандлик дастури тайёрланиб, 25 та йўналиш ва 401 та кўрсаткич асосида 9 минг 452 та маҳалла, 208 та туман (шаҳар), 14 та ҳудуд ҳамда республика “Баланси” шакллантирилди.

Энг асосийси, “еттилик” сазй-ҳаракати ва ташаббуси ўлароқ, маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Ҳудудни ободонлаштириш, инфратузилмани ривожлантиришда дадил қадамлар ташланаяпти.

Мисол учун, “еттилик” вакиллари бошчилигида маҳалладаги ички йўлларнинг 4 минг 608 километр қисмига асфальт, 4 минг 366 километрга шағал, 214,2 километрга бетон қопламаси ётқизилди. Ичимлик сув бўйича 9 минг 181 километр сув тармоғи таъмирланди, электр таъминотини яхшилаш учун 2 минг 176 та янги трансформатор ўрнатилди. 291 минг 502 та хонадон таъмирланиб, 33 минг 520 нафар эҳтиёжманд инсонлар уй-жойи яшаш учун қўлай шароитга эга бўлди.

208 та туман (шаҳар)да 1 тадан маҳаллада “Маҳалла сервис компанияси” ташкил қилиниб, уларнинг фаолияти учун 11 номдаги 72 миллион сўмлик техник восита ва ускуналар харид қилиб берилди. Компанияларга маҳалланинг ўзида истиқомат қилувчи ишсиз 5 минг 392 нафар муносиб кадр ишга қабул қилинди.

Дарвоқе, жорий йилдан эътиборан тизимда яна бир янгиликка киришилди: маҳалла банкирлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Маҳалланинг иқтисодий имкониятларини, “драйвер” соҳаларини ўрганиш, оддий одамларнинг ишбилармонлик гоёларини амалий лойиҳаларга айлантириш, аҳолининг кредит олиш, қайтариш, бизнес очиш кўникмаларини шакллантиришга

масъул бу вакиллар “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этишларига ишончимиз баланд, умдимиз катта.

КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

2020 йилда давлатимиз раҳбари жамиятимизда узоқ йиллар ёпиқ мавзу бўлиб келган камбағаллик муаммоси мавжудлигини рўйи-рост айтиб, мана шу муаммони ечиш орқали халқни рози қилиш заруратига эътибор қаратди.

Бу борада амалиётга изчил йўналтирилган трансформация дастурлари самарасида атиги тўрт йилда Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 8,9 фоизга камайди. Бу 3 миллионга яқин одамни камбағалликдан чиқаришга ёрдам берди. 2025 йилда яна 1,5 миллион нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш, 5 миллион 200 минг кишининг бандлигини таъминлаш режа қилинган. Ушбу мақсадга эришиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ҳамда барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида республикаимиз ҳудудларида амалий ишлар қизғин тус олаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу жараёнда “маҳалла еттилиги”нинг ўрни ва таъсири алоҳида аҳамиятга эга.

Маҳаллада мавжуд оилаларнинг асосий боқувчилари ким, уларнинг тайинли иши борми ёки ишсизми, кимнинг рўзғори бут, ким қўл учига кун кўради, кимга моддий қўллов керак, кимга ижтимоий ёрдам, бунинг “еттилик” вакиллари яхши биладилар. Ҳаётда ростан ҳам қийналган, давлат кўмагига муҳтож инсонлар қалбига ёруғлик олиб кираётган юқоридаги дастур энг қўйи бўғинда ҳаққоний ижросини топиши мана шу “еттилик”нинг ўз зиммасидаги масъулиятни юракдан хис қилиб, ўз ишини виждонан бажаришини талаб этади.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, улар бу вазифани ортғи билан уддаламоқда. “Еттилик” жонбозлиги билан ўтган йили 844 минг 280 та оила камбағалликдан чиқарилди. Камбағаллик даражаси юқори бўлган 1 024 та маҳаллани камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилди. Айни ҳолатда камбағал оилаларнинг 10 минг 924 нафар аъзолари доимий ишга жойлаштирилди, 33 минг 948 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. “Еттилик” тавсияси билан 75 мингта оилага 105,8 миллиард сўм моддий ёрдам ажратилди. 32 минг 770 та оиланинг уй-жойи таъмирланди. Булар кичкина рақамлар эмас!

Бундан ташқари, “маҳалла еттилиги” банклар билан ҳамкорликда 754 минг 623 нафар аҳолининг бандлигини таъминлашга ҳисса қўшди. Мавжуд бўш (вакант) иш ўринларига 200 минг нафарга яқин ишсиз аҳоли жойлаштирилди. Сайхунобод, Зарбдор, Ғиждувон ва Ўйчи туманларида жорий этилган тажрибалар асосида 4 миллион 713 мингта хонадонда томорқадан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди. 8 минг 484 та йиғинда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 2 миллион 826 мингта хонадон қўшимча даромад манбаига эга бўлди.

Яхши даромад олиш илинжида хорижга иш излаб кетган ва кетаётган мигрантларнинг тақдирига ҳам асло бефарқ қаралмаяпти. Мана исботи: маҳаллаларда “еттилик” анкета-сўровнома асосида миграциядаги фуқароларни хатловдан ўтказди. Миграция баланси шакллантирилиб, “Рақамли маҳалла” платформасига киритилди. “Хорижга иш – маҳалладан” тамойили йўлга қўйилиб, етарли малакаси бўлмаганлар чет тилларига, касб-хунарга ўқитилаяпти. “Еттилик” вакиллари миграцияда юрган 1,2 миллион нафар фуқаронинг 86 фоизи (1,03 миллион нафар) билан онлайн мулоқот қилгач, уларнинг 418 минг 764 нафари Ватанга қайтди, қайтгачларнинг 210 минг 170 нафари тайинли ишга жойлаштирилди. Худди шундай, 147 минг 218 нафар фуқаро манзилли тарзда хорижий давлатларда иш билан таъминланди.

МАҲАЛЛА — МАЪНАВИЯТНИНГ ЮЗИ

Замон шиддат билан ўзгармоқда. Янгиланаётган дунёда инсон зақоси ила яратиланётган ақлбодар қилмас кашфиётлар, оламшумул илм-фан ютуқлари ой эмас, кун эмас, балки лаҳза сайин ортиб борапти. Лекин глобаллашув чангалидаги башариятга илмий юксалиш баробарида маънавий таназзул хавф солаётганидан кўз юмолмаймиз.

Асрлар давомида эъзозланиб, ардоқланиб келинган оилавий қадриятлар, икки, уч авлод ўртасидаги эҳтиром, ота-она ва фарзандлар муносабатлари бугун дарз кетаётганга ўхшайди. Ҳар қанча ҳаракат қилмайлик, оилавий ажралишларнинг, ёт унсур ва иллатлар домига тушаётган ёшларнинг сафи камаймаётгани ҳеч бир давлат ва жамиятни четлаб ўтаётгани йўқ.

Мана шундай ғоятда мураккаб даврда маънавий, тарбиявий ишларга сусткашлик билан қараш асло мумкин эмас. Бу оилалар билан ишлашда, ёшлар тарбиясида таъсирчан куч ҳисобланган маҳалла институти зиммасидаги вазифаларни қаррасига оширмоқда. Бинобарин, давлатимиз раҳбари ҳам маҳалла жамиятда маънавиятнинг юзи бўлиши кераклигини кўп бора таъкидлайди.

Бу ҳақиқат айна дамба юртимиздаги 9 452 та маҳаллада хизмат қилаётган 57 мингдан зиёд ҳодимлар ва фаоллар фаолиятининг муҳим мезон ва устувор йўналиши бўлиб улгурган. Маҳалла ёшлари билан кўпроқ мулоқот қилиш, уларнинг қалбига қўлоқ солиш, дардини билиш, муаммоларига ечим топиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, ўғил-қизларимизни китобхонликка жалб этиш, ҳарбий хизмат учун муносиб мард ва ботир йигитларни тарбиялаб бориш каби ишларда “еттилик” билан бирга жамоатчилик тузилмалари, “Маҳалла назорати” ва “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари, “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари муносиб ҳисса қўшаётгани таҳсинга лойиқ.

УЛУҒ ВА ЭЗГУ МАҚСАД ОЛДИДА

Дарҳақиқат, маҳалла тизими бугунга келиб ислохотларнинг марказий ва ҳал қилувчи бўғинига айланди. Бу мазкур институти ривожлантириш, унинг ваколатларини кенгайтириш, ижтимоий ёрдамларни маҳалла даражасида кўрсатиш борасида йўлга қўйилган тизим нақадар тўғри ва аниқ танланганидан далолат беради.

Тизим фаолиятини янги босқичга чиқариш жараёни 2025 йилда ҳам қизғин давом этади. Хусусан, янги тахрирдаги “Маҳалла тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши қутилмоқда. Маҳаллани 2030 йилга қадар ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилади. Май-июнь ойларида маҳаллаларда раислар сайлови ўтказилиб, эл орасида обрў-эътиборли, юртпарвар, фидойи инсонлар яна бир бор сараланади.

“Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил” иқтисодиёт йили”да маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 ярим мингта кам таъминланган оилалар уйларига ҳамда олис ва чекка ҳудудлардаги мингта маҳалла биносига қуёш панеллари ўрнатилади. Бориш қийин бўлган, чегара ва тоғли ҳудудларда жойлашган 2 минг 300 та маҳаллада аҳолига онлайн хизматлар кўрсатиш бўйича инфокиосклар ўрнатилади ва хизматлар сони юзтага етказилади. Маҳалла ободлигини яхшилашда аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича мингдан ортиқ “Маҳалла сервис компанияси” фаолияти йўлга қўйилади.

Булар жорий йилда олдимизга қўйган вазифаларнинг бир қисми, холос. Маҳалларимизда фазл-у барокат, одамларимизда некбин кайфият, оилаларимизда фаровонлик, ёшларимизда эса эртанги кунга ишонч ҳиссини мустаҳкамлаш барча режа-мақсадларимизнинг туб негизидир. Зотан, маҳалла Президентимиз таъбири билан айтганда, биз барпо этаётган янги жамият – инсон қадри улуғланидиган, ҳуқуқ ва эркинликларни таъминланган, қонун устуворлиги мустаҳкам қарор топадиган очик ва адолатли фуқаролик жамиятининг асосидир.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ: БОШ МАҚСАД – ҲАЁТ СИФАТИНИ ОШИРИШ



Ўзбекистонда яхши ният билан янги бошланган йилга ном берилади. Ай-ниқса, кейинги йилларда номлар ҳам, режалаштирилган ишлар ҳам кенг қамровли бўлмоқда. Яъни, давлатимиз юксалгани сари режалар ва мақсадлар ҳам юксалиб бормоқда.

Эсингизда бўлса, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисидаги нутқида экология ва иқлим ўзгариши масалаларига алоҳида урғу бериб, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўл-ланиш, қазилма ёқилғиларни беҳисоб ишла-тиш глобал иссиғга, табиий офатларнинг кўпайишига олиб келаётгани, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказаётганлиги-ни таъкидлади. Президент шу жиҳатларни инобатга олиб, 2025 йилни мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиш таклифини билдирди. Бу кўпчилиكنинг кўнглидаги гап бўлди.

Чунки юртимиздаги экологик муаммо-ларни бартараф этиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш, сувни тежаш, энг муҳими, аҳоли саломатлигини мустақамлаш каби

масалалар ижобий ечим топиши учун бу ниҳоятда муҳим эди.

Мамлакатимизда 2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Давлат дастури лойиҳаси жорий йилнинг январь ойида кенг жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасидан ўтказилди. Жамиятимизнинг ҳар бир қатламида, барча ҳудудларда ушбу ҳужжат жонли, катта қизиқиш билан муҳокама этилганига барчамиз гувоҳ бўлдик. Минглаб таклифлар илгари сурилди ва бу халқимизнинг ортиб бораётган сиёсий онги ва фаоллиги, мустақам ижтимоий позицияси ва бўлаётган ҳодисаларга дахлдорлиги, бефарқ эмаслигининг далолатидир.

Маълум бўлишича, жамоатчилик томонидан билдирилган фикр ва таклифлар асосида 100 га яқин концептуал, мингдан зиёд аниқлик киритувчи ва таҳририй таклифлар Давлат дастури лойиҳасида акс эттирилди. Умуман олганда, ушбу ҳужжат орқали мамлакатимизни ислоҳ этиш учун зарур бўлган амалий чоралар дастури тасдиқланди.

Унда аҳолининг ҳаёт сифатини яхши-лаш, экологик барқарорликни таъминлаш ва “яшил иқтисодиёт” тамойилларини кенг жорий этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Бунда яшил ҳудудларни кенгайтириш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш, сув тежамкорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бу орқали шаҳар ва маҳаллаларда кўчалар бўйлаб дарахт экиш, яшил зоналар ташкил этиш, пиёдалар ва велосипед йўлакларини яратиш, экологик тоза жамоат транспортини ривожлантириш, ёмғир ва оқова сувларни қайта ишлаш орқали сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларидаги муаммолар бирин-кетин бартараф этилади.

Аввало, таъкидлаш керакки, давлат ва жамиятни янада ривожлантириш бўйича бу йилги ушбу бош ҳужжат, энг аввало, инсон учун, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси учун йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Мулоҳаза қилсак, атроф-муҳитни асраш, “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш биринчи навбатда инсонни асраш

ва унга қулай шароит яратиш, соғлигини муҳофаза қилишни аналатади.

Давлат дастуридаги аксарият вазифалар аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода айтадиган бўлсак, ушбу дастур Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг гоё ва мақсадлари билан ҳар томонлама ҳамоҳангдир.

КУН ТАРТИБИДА «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» МАСАЛАСИ...

Бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришларини инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири сифатида тан олмақда. Мутахассислар фикрича, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ҳамда унга мослашиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири иқтисодиётни “яшил-лаштириш” ва қайта тикланувчи энергия манбаларини, хусусан, қуёш, шамол ва сув оқимлари энергиясидан фойдаланиш ва ривожлантиришдир.



Анваржон НУРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Албатта, қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш бугунги давр талабидир. Чунки иқлим ўзгаришларини инобатга оладиган бўлсак, энергиянинг қайта тикланадиган экологик тоза манбалари қувватидан фойдаланиш зарурати бор. Қуёшли кунларга бой бўлган мамлакатимиз учун бу аини муддаодир.

Шу тариқа сўнгги йилларда мамлакатимизда энергия барқарорлигини таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш борасида дадил қадамлар ташланди ва салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Давлат дастурига кўра, бу йил «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш доирасида қуёш ва шамол энергия манбаларидан самарали фойдаланиш йўналишида ҳудудларда 74172 та қуёш панеллари ўрнатилиб 785 МВт қўшимча қувват яратилиши режалаштирилган. Шунингдек, қуввати 225 МВт бўлган гидро электр станцияларини барпо этиш белгиланган. Шундай чора-тадбирлар орқали қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Бу ўз навбатида, мамлакатимизда энергия барқарорлигини таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, соҳани давлат томонидан қўл-

лаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш борасидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқади.

Шунингдек, «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш доирасида аҳоли уйларида энергия тежамкор ускуналар ўрнатиш учун махсус субсидиялар ажратилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, аҳоли учун барпо этилаётган пиёдалар ва алоҳида велосипед йўлаклари бўйида дарахтлар ва ўсимликларни экиш орқали «Сояли сайр кўчалари» тармоғи яратилиб, соҳил ва дарё бўйларида 80 та инфратузилма объекти ва 110 километрдан ортиқ соғломлаштириш йўлаклари қурилади.

Демак, Давлат дастурида белгиланган ҳар бир вазифа мамлакатимизнинг таракқиёт йўналишларини аниқ белгилаб берди. Шу тариқа аҳоли фаровонлигини ошириш ва экологик муҳитни яхшилашга қаратилган муҳим ташаббусларга йўл очилади. Бу нафақат бугунимиз, балки фарзандларимизнинг эртанги ҳаёти, келажак авлодларимиз учун ҳам муҳим, деб ўйлайман.



Сайёра АБДИКАРИМОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

– Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли учун қулай экологик муҳит яратишга қаратилаётган эътиборнинг яна бир тасдиғини бу йилги Давлат дастури мисалида ҳам кўришимиз мумкин.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да ҳам мамлакат ривожланишининг устувор ёндашувларида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилаш, кўчаларда яшиллик даражасини ошириш, экологик жиҳатдан қулай ва фаровон яшаш муҳитини шакллантириш, табиий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш назарда тутилди. Шунингдек, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини кенг жорий қилиш, иқтисодиётни иқлим ўзгаришига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни барқарор молиялаштириш, республика энерго балансида қайта тикланувчи энергия улушини ошириш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида йирик “яшил энергия” станцияларини барпо этиш, ҳудудларда кичик ва микро гидро электр станциялари тармоғини кенгайтириш, аҳоли хонадонларда қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш белгиланди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси

ва “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида 200 миллион туپ дарахт ҳамда буталар екилади. Шу билан бирга, Орол денгизи тубида 100 минг гектар “яшил майдон” барпо этилиб, Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорлар 2,1 миллион гектарга етказилади.

Бундан ташқари, жамоатчилик, экофаоллар ва бизнес вакилларининг табиатни муҳофаза қилиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилади. Бунда, “Эко фаол фуқаро” ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган “Бир миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилади.

Республикада экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига таъсир ўтказувчи экологик муаммоларни бартараф этиш юзасидан 14 та ҳудудда экологик тоза ҳудуд режими жорий қилинади.

Бир сўз билан айтганда, бу йилги Давлат дастурини амалга ошириш орқали мамлакатимизда экологик жиҳатдан қулай ва фаровон яшаш муҳити шакллантирилади. Бу ўзимиз, фарзандларимиз, келажак авлод учун ҳам муҳим.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ЭЪТИБОР ЯНАДА КУЧАЯДИ



Мавжуда ҲАСАНОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма
бошлиғи:

– Давлат дастурида белгиланган барча вазифа-ташаббуслар юртдошларимизнинг орзу-мақсадлари билан ҳамоҳанг бўлиб, уларнинг кўнглидаги фикрларини ифодалади, дейиш мумкин.

Хусусан, дастурда камбағалликни қисқартириш ва бандликни ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Камбағалликни қисқартириш мақсадида янги касб-хунар марказлари ташкил этилиб, ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассисларга ўқитиш йўлга қўйилади. Шу билан бирга, инвестиция лойиҳалари орқали янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромадлари оширилади.

Кўнгилни кўтарадиган бундай дадил ўзгаришлар, режага киритилган катта мақсадлар нимадан далолат беради? Шубҳасиз, бу аҳолининг жон бошига даромадини ошириш, халқимиз турмуш даражасини кўтариш, иқтисодий ривожланиш билан бир қаторда ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам, хусусан, камбағаллар сонини қисқартириш йўлида олиб борилаётган амалий ишларнинг ҳаётий тасдиғидир.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки,

ижтимоий ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган бундай истикболли тизимнинг йўлга қўйилиши Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари билан ҳамоҳангдир. Кўмакка муҳтож, ишсизлик ва камбағаллик туфайли қийин шароитда яшаётган қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни яхши ҳаётга рағбатлантириш ижтимоий барқарорликни мустақамлашда жуда муҳимдир.

Бу йилги Давлат дастури том маънода инсон эҳтиёжларини илгари суришни ўзининг асосий ва бош мақсади, деб белгилади, десак тўғри бўлади. Хусусан, иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестиция муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор вазифалар белгилангани мамлакат ривожига янги динамикага йўл очishi аниқ.

Давлат дастурида иқтисодиётни барқарор ривожлантириш мақсадида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва маҳаллий маҳсулотларни халқаро бозорларга чиқариш масалаларига оид бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Жумладан, 2025 йилда иқтисодий ўсиш камида 6 фоиз, саноат 6 фоиз, бозор хизматлари 14,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги 4,1 фоизга га ўсиши режалаштирилган. Экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида маҳаллий тадбиркорлар учун “корхонабай”

ишлаш тизими жорий этилиб, уларнинг маҳсулотларини халқаро бозорга чиқаришда қўллаб-қувватлаш чоралари кучайтирилади.

Бандликка кўмаклашиш борасида кўрсатилган хизматлар сифатини ва натижадорлигини ошириш орқали 430 минг нафар аҳолини бўш ва янги иш ўринларига жойлаштириш чоралари кўрилади.

Шунингдек, хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш графигини ишлаб чиқиш, ишсиз ва даромад топиш истагидаги аёлларни ўқувларга жалб этиш, улар учун меҳнат ярмаркалари ташкил этиш белгиланди.

Фуқаролар ўртасида “Тежамкорлик ва барқарорлик” тамойили асосида янгича ижтимоий муносабатлар ривожлантирилиши, маҳаллаларнинг экологик қиёфаси яхшиланиши, яшиллик даражаси оширилиши, экологик жиҳатдан қулай ва фаровон яшаш муҳити шакллантирилиши, аҳоли саломатлиги яхшиланиши, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг шароит яратилиши мамлакатимиздаги ижтимоий муҳитни янги даражага кўтаради, деб ўйлайман.

Давлат дастури – давлатнинг маълум вақт учун мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ҳисобланади. Давлат дастури ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳам ифодалайди. Чунки, жамиятнинг ҳар бир жабҳасида олиб бориладиган ислохотлар жамият ривожини, аҳоли фаровонлигини, иқтисодий барқарорликка хизмат қилади.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда фаол экологик муҳитни қарор топтириш, ҳар бир инсон учун бахтли ва фаровон ҳаётни кафолатлаш, айниқса, эҳтиёжманд фуқаро-

ларимизнинг турмуш даражасини кўтариш масаласида олдимизга янги-янги вазифалар қўйилмоқда. Гап Ўзбекистоннинг экологик қиёфасини яхшилаш, аҳолининг саломатлигини асраш, ресурсларни тежаш ва экологик барқарорликни таъминлаш, умуман, ҳаёт сифатини ошириш масаласида кетганда, унинг ижросига белни маҳкам боғлаб жиддий киришиш талаб этилади. Шунга ҳамоҳанг тарзда Халқ демократик партияси ушбу ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлаб, унинг ижросида бевосита фаол иштирок этиш чораларини кўради.

Саҳифани “Ўзбекистон овози” муҳбири Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА КЕЛАЖАККА ДАДИЛ ҚАДАМ

ЎТГАН ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕЛИКЛАРИДАН БИРИ, ШУБҲАСИЗ, ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ ЁШЛАР ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ БЎЛДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ ФАОЛ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҚАМРАБ ОЛГАН ВА ҒОЯТДА САМИМИЙ РҲҲДА ЎТГАН МУЛОҚОТ МАМЛАКАТНИНГ СТРАТЕГИК РЕСУРСИ САНАЛГАН НАВҚИРОН АВЛОДНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЁН ЭТИШИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ, ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ СЕЗИЛАРЛИ ОШИРИШ БОРАСИДА ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР АЛМАШИШ, ЯНГИ ТАКЛИФЛАРНИ ЎРТОҚЛАШИШ УЧУН ПЛАТФОРМА ВАЗИФАСИНИ БАЖАРДИ
ҚҲЙИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ВАКИЛЛАРИ АЙНИ БОРАДА ЎЗ МУНОСАБАТ ВА НУҚТАИ НАЗАРЛАРИНИ БАЁН ҚИЛДИ.



Шохруҳ ЎКТАМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона
вилоят Кенгаши раиси:

- Ййғилишда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этиши, ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ ййигит-қизлар кириб келаётгани ва 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллион нафарга етиши таъкидланди.

Бу рақамлар Ўзбекистонда демографиянғ ўзгаришлар ва меҳнат бозорининг келажаги учун жуда муҳим. Ҳар йили 600 мингдан ортиқ ёшлар меҳнат бозорига кириб келиши – катта имконият, айна пайтда давлат учун долзарблйгини йўқотмайдиган масаладир.

Ёш ва ишга лаёқатли қатлам иқтисодий тараққиётни тезлаштиради. Бундан ташқари, ёшлар янги ғоялар ва инновацион лойиҳаларга мойил бўлади. Агар улар тадбиркорликка рағбатлантирилса, жамиятда ижтимоий муаммоларнинг ечимлари юзага келади.

Учрашувда Президент ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган 3 та муҳим ҳужжат имзоланганини маълум қилди.

Олий ўқув юрти битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича янги тизим – Миллий банкка

100 миллион доллар йўналтирилиб, ёшларнинг ташаббус ва ғояларини лойиҳага айлантириш бўйича банк хизматлари жорий этилиши, Алоқабанк ййигит-қизларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи таянч банкка айлантирилиши, ўзини ўзи банд қилган ёшларнинг лойиҳалари учун 100 миллион сўмгача 7 йил муддатга имтиёзли микроқарз ажратилиши ҳар томонлама пухта ўйланган ташаббусдир.

Бугунги кунда юртимиздаги креатив иқтисодиёт соҳаларида фаолият кўрсатаётганларнинг 98 фоизи ёшлар экани ҳам диққатга молик. Зеро, жаҳондаги тенденцияларга қараганда, креатив соҳалар тез ўсувчи ва юқори даромад келтирадиган йўналишлардан ҳисобланади. Мисол учун, Жанубий Корея, Туркия ва Ҳиндистон каби давлатлар креатив маҳсулотлар – кино, мусиқа, компьютер ўйинлари ва дизайн орқали миллиардлаб доллар даромад олишмоқда. Ўзбекистон ҳам миллий контент (фильмлар, анимация, IT маҳсулотлар, дизайн, мусиқа) ишлаб чиқариш ва уни халқаро бозорга олиб чиқиш имкониятига эга.

“Ёрқин келажақ” лойиҳаси эса таълим орқали ижтимоий лифтар яратишга, яъни, кам таъминланган ёшларнинг юқори малакали кадрларга айланишига йўналтирилган. Бу орқали Ўзбекистон таълим сиёсати кучли ижтимоий таъсирга эга бўлади.

Мулоқотда ёш авлодда миллий руҳиятни шакллантириш, ғоявий хуружлар ва зарарли ахборотлардан асраш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Ёш авлоднинг руҳий-маънавий тарбияси – миллат келажагини белгилайдиган омиллардан бири. Ушбу масала миллий хавфсизлиkning бир қисмига айланмоқда. “Ватан таянчи” ҳаракатининг йўлга қўйилиши Ўзбекистон ёшларига ватанпарварлик ғоясини чуқур сингдиришда янги қадам бўлмоғи тайин. Шу билан бирга мазкур ҳаракат тарбияси оғир болаларни жамиятга қайтариш ва уларга тўғри йўл кўрсатишга хизмат қилади.



Мухсиддин
НИЗОМИДДИНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши бўлим бошлиғи:

- Кўксарой қароргоҳида ўтган мулоқотда давлатимиз раҳбари ёшларимизнинг парламент тизимидаги ўрни ва роли ошиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Маълумки, беш йил олдин Сенат ва Қонунчилик палатасида Ёшлар парламенти ташкил этилган эди. Бу билан ёшлар учун сиёсий етакчилик, демократия ва парламентаризм мактаби қандай бўлишини амалда кўриш баробарида билим-кўникмаларини ривожлантириш имконияти яратилди. Охирги сайловда ушбу мактабдан

“чиққан” ёшларимиздан икки нафари Қонунчилик палатасига, 250 нафари кенгашларга депутат бўлиб сайлангани эътирофли жиҳатдир.

Президентимиз " Энди барча тизимдаги раҳбарлар ёшларнинг баралла овозини эшитишга мажбур. Ёшлар буюк келажагимизнинг асосий бўғини эканлигини тушунмаган раҳбар бизнинг сафимизда бўлишга ҳаққи йўқ”, деди. Бу сўзларнинг замирида ёшларга оид сиёсатда давлат идоралари ва ташкилотлари янада масъулиятни ҳис этиб, жиддийроқ қарашига даъват мужассам.

Ёшларимиз орасида бугунги ижтимоий муаммоларнинг сабаблари нима? Албатта, ййигит-қизларимизнинг бандлиги бўйича белгиланган вазифалар ижроси ҳамма жойда ҳам етарли даражада таъминланмаётганида. 2025 йилда Ўзбекистонда ёшлар ишсизлигига барҳам бериш саъй-ҳаракатлари янги босқичга кўтарилиши таъкидланди. Раҳбарлар ёшлар ишсизлигининг салбий оқибатларидан, ўз вақтида банд бўлмаган ёшлар биллиб-билмай номақбул ишларга қўл уриши, диний радикализм таъсирига тушиб қолиши, жиноят кўчасига кириши мумкинлигидан огоҳлантирилди. Юнусобод, Асака, Шароф Рашидов, Чироқчи, Пастдарғом туманлари, Олмалиқ ва Бухоро шаҳарларида бу борадаги ишлар қониқарсизлиги кўрса-

тиб ўтилди. Ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга ва хорижий тилларга ўқитиб, юқори даромадли ишларга жойлаштириш мақсатида бу йил бандлик бўйича кенг қамровли дастур қабул қилиниб, жами 126 триллион сўм йўналтирилаётгани айна муддао.

Мулоқотда камбағалликни қисқартиришнинг энг самарали ечими таълим экани яна бир бор эслатилди. Эндиликда камбағал оилалар фарзандларига таълим кредити фоизсиз берилиши, қўшимча грантлар ажратилиб, контракт тўловининг бир қисми қопланиши – бу жуда катта имконият. Яна бир янгилик. Иқтидорли, билимга чанқоқ, лекин оғир оилавий шароити сабабли ўқш имкониятига эга бўлмаган ёшларнинг хорижда таълим олиши бўйича янги тизим – “Ёрқин истеъдод” лойиҳаси жорий этилиши ҳам юртимиздаги қанча-қанча ййигит-қизлар қалбида янги орзу-умидларга қанот бағишлади, десак янглишмаймиз.

Ёшларга оид давлат сиёсатида эҳтиёжманд қатлам фарзандларини қўллаб-қувватлашга алоҳида ёндашилаётгани жамиятда ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик ва ижтимоий барқарорлиkning ўзига хос кафолатидир. Бу эса айна тамоийилларни баралла илгари суриб келаётган партияимизнинг дастурий мақсадлари билан уйғун эканини яна бир бор ёдга олмоқ уринли.

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ

Газетамизда “Менда таклиф бор” рукни ташкил этилганини кўрдим. Менда ҳам Сайловолди дастуриமிழда ишлаб чиқилиши назарда тутилган «Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисидаги» қонун лойиҳаси концепцияси бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларимни тақдим этиш истаги туғилди.



Камбағаллик чуқур масала, унга тўғри ёндашмасдан, аввало, камбағалликни келтириб чиқараётган сабабларнинг моҳиятига етиб бормасдан, даромади паст оилаларни қўллаб-қувватламасдан натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун охириги пайтларда мамлакатимизда бу масалага ёндашув тубдан ўзгарди, янги тизим яратилди.

Ҳаммамизга маълумки, 2022 йилдан бошлаб белгиланган энг кам истеъмол харажатлари кўрсаткичи камбағаллик мезони ва «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритиш учун асос сифатида қўлланилиб келинмоқда. Энг муҳими, бу асосида камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ бир мезон ва ёндашув ишлаб чиқилганида.

Ана шундай муҳим паллада энг кам

истеъмол харажатларини аниқлаш ва уни минимал ижтимоий стандарт сифатида жорий этиш зарурати юзага келди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Конституциямизда “Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас”лиги белгилаб қўйилган.

Мана шу конституциявий таянч асосида минимал истеъмол харажатлари тўғрисида қонунни қабул қилиш, барча тартиб-қоидаларни алоҳида қонун билан янада қатъий белгилаб қўйиш вазифаси турибди.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, ижтимоий ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган бундай истикболли тизимнинг йўлга қўйилиши Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари билан ҳамохангдир.

Ушбу масаланинг моҳиятига етиб бориш учун дастлаб, хориж тажрибасини ўрганишга ҳаракат қилим.

Германияда энг кам истеъмол харажатлари "Hartz IV" ижтимоий ҳимоя дастурлари орқали тартибга солинади. 1961 йилда қабул қилинган "Ижтимоий кодекс" (Sozialgesetzbuch, SGB) ижтимоий нафақаларнинг минимал даражасини белгилайди. Германияда кам таъминланган оилаларга давлат томонидан манзилли ёрдам кўрсатилади, бунда истеъмол харажатлари, озиқ-

овқат ва турар жой билан боғлиқ талаблар ҳисобга олинади.

Энг кам истеъмол саватчаси озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, тиббий хизматлар, транспорт, таълим ва маданий фаолиятлар учун керак бўлган харажатлардан иборат. Ҳар йили энг кам истеъмол харажатлари инфляция, миллий иқтисодий шароитлар ва аҳолининг эҳтиёжлари асосида қайта кўриб чиқилади. Бунда ижтимоий ва иқтисодий тадқиқотлар асос қилиб олинади.

Италияда энг кам истеъмол харажатларини тартибга солиш "Reddito di Cittadinanza" (Фуқаролик даромади) дастури орқали амалга оширилади. Бу дастур кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, у 2019 йилда қабул қилинган. Бу нафақа оилаларнинг минимал ҳаёт шароитларини таъминлашни кўзлайди.

Италияда энг кам истеъмол харажатлари саватчаси озиқ-овқат, коммунал хизматлар, транспорт ва тиббий хизматларни ўз ичига олади. Италияда энг кам истеъмол харажатлари миллий статистика идоралари томонидан кузатув остига олинади. Ҳар йилги инфляция ва меҳнат бозоридаги ўзгаришлар асосида минимал стандартлар янгиланади.

Шунингдек сиёсий бошқаруви ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатидан бизга яқин бўлган МДХ давлатларидан бири Беларусда ушбу ижтимоий вазиятга ечим сифатида жорий қилган нормаларини кўриб чиқсак.

Беларусда энг кам истеъмол харажатлари махсус “Истеъмол бюджети” ва “Энг кам истеъмол саватчаси” тушунчалари орқали тартибга солинади. Бу саватча ва бюджет давлатнинг турли қарорлари, жумладан, 1999 йилда қабул қилинган “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун асосида шакллантирилади. Давлат бу саватчани

ҳар чорақда қайта кўриб чиқади, иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олиб, унга тузатишлар киритади.

Беларусдаги истеъмол саватчаси озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак, тиббий хизматлар ва коммунал тўловларни ташкил этади.

Минимал пенсия миқдори энг кам истеъмол харажатлари билан узвий боғлиқ.

Юқоридаги каби хорижий тажрибаларни ўрганиш ва қонунчиликка жорий қилиш Ўзбекистонда энг кам истеъмол харажатлари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- Энг кам истеъмол харажатлари бўйича конституциявий нормаларни амалда татбиқ этишнинг зарурий норматив-ҳуқуқий базаси ва процессуал механизмларини яратиш;
- Энг кам истеъмол харажатларини аниқлаш тамойиллари, жорий қилишнинг халқаро стандартлари ва илғор хорижий тажрибага мос йўлларини қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш;
- Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш.

Бу масалаларнинг қонунчилик даражасида ҳал этилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Жавоҳир БЕКТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Халқ
демократик партияси
Марказий Кенгаши
ташкилий-назорат
бўлим бошлиғи



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ:

САҲРО БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

Бухоронинг Қоровулбозорига ҳеч борганмисиз? Бора-боргунча чўл тароватидан баҳраманд бўласиз, қум барханлари, саксовул, юлғун, адоғи йўқ кенгликлар. Табиат ўз саҳросига доир барча кўринишини сизга бор бўйи билан намоён қилади. Чўл оралаб юрсангиз ҳам йўл узоклиги билинмайди. Чунки, борлиқ худди мусаввир чизган расм каби кўринади, қараб тўймайди киши. Тўғри, анча юрасиз, ҳеч ким кўринмайди, чўл кимсасиздек кўринади. Шамолнинг юзга тегар-тегмас майин оҳангларига чалғиб, яна озгина юрсангиз, у ерда ҳаёт қайнаётганини кўрасиз.

Бухоро шаҳридан 100 км.узоқликда жойлашган бу ҳудуд номини Ўзбекистонда билмайдиган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Қоровулбозор саҳроси бағридаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳар йили миллионлаб тонна қора олтинни қайта ишлаши билан ўзимизда ҳам, хорижда ҳам анча обрўга эга. Аввало, Қоровулбозорда 28 йил аввал қўл урилган ушбу лойиҳанинг тарихи қизиқ, албатта. Қарийб 30 йил олдин 200 гектар майдонда замонавий нефтни қайта ишлаш заводи барпо этилишининг ўзи мамлакатимиз учун тарихий воқеа эди. Чунки, ушбу йирик корхонанинг ташкил этилиши мамлакатимизда нефть ва газ саноатининг молиявий барқарорлигини ошириш учун муҳим қадамлардан бири бўлди.

1993 йил 3 август... Шу куни Ўзбекистон ҳукуматининг 389-сонли қарори қабул қилинди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи-ни қуриш ишлари бошланди...

1997 йил 22 август... Бу кунда Бухоронинг саҳро ва адоқсиз қум барханлари қўйнида ушбу йирик саноат корхонасини ишга туширишга муваффақ бўлинди. Заводнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларини сифатли нефть маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва экспортни ўзлаштиришга йўналтирилган. Қурилишни лойиҳалаштириш ва технология жараёнларини танлашда жаҳоннинг етакчи нефть ва газ компаниялари билан ҳамкорликда ўша даврнинг илгор ечимларидан фойдаланилди. Қуриш жараёнида углеводород хом ашёсини қайта ишлашнинг энг замонавий фан ва техника ютуқларига мурожаат қилинди.

Орадан 28 йил вақт ўтди. Бу даврда завод Ўзбекистоннинг нефтни қайта ишлаш соҳаси-

линди. Натижада 2003-2004 йилларда юқори октанли этилланмаган АИ-80, АИ-91 ва АИ-95 маркали автомобиль бензинларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ишлаб чиқарилаётган дизель ёқилғисининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида 2006-2008 йилларда экологик хавфсиз ЭКО дизель ёқилғисининг ёзги ҳамда қишги русумларини ишлаб чиқариш бошланди.

2008 йилдан бошлаб лак-бўёқ корхоналарида ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури"га асосан С4-135/220 русумли углеводород эриткичини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2007-2009 йилларда янги турдаги маҳсулот - «Боинг» ва «Аэробус» турдаги ҳаво лайнерлари учун мос ёқилғи ҳисобланадиган «Джет А-1» русумли ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича катта ишлар амалга оширилиб, цехларнинг технологик инфраструктураси модернизация қилинди, «Джет А-1» русумли авиация ёқилғисини сақлашга мўлжалланган сифмлар тайёрланди. Завод марказий таҳлилхонаси халқаро стандартлар бўйича синов ишларини амалга оширишга мўлжалланган замонавий таҳлил жиҳозлари ва асбоблари билан таъминланди. Натижада 2009 йилнинг август ойидан бошлаб Бухоро нефтини қайта ишлаш заводида «Джет А-1» русумли авиация ёқилғисини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий акционерлик компанияси



Акбар ФАЗИЛОВ,
корхона директори:

– Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз тараққиёти кўп жиҳатдан ёқилғи-энергетика комплексининг ривожланишига боғлиқ бўлиб қолган эди. Шу маънода ушбу заводнинг барпо этилиши республикамизда тарихий воқеа бўлиб қолди.

Ўзбекистондаги энг йирик нефтни қайта ишлаш корхоналаридан бири бўлиб, нефтни қайта ишлаш, бензин, дизель, керосин ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Соҳага қаратилаётган эътибор натижада мамлакатимизнинг табиий бойликларни ўзлаштириш, уни чуқур қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб

Компания Ўзбекистон нефть ва газ саноатининг флагмани сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаб, салмоқли қадам ташлади.

Айталик, завод нефть ва газ конденсатини қайта ишлашга инновацион ёндашувларни жорий этган ҳолда юқори иш самарадорлигини намойиш этишда давом этмоқда. Масалан, ўтган йилда корхонада рекорд ҳажмдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, жумладан, дизель ёқилғиси ва авиа керосин ишлаб чиқариш сезиларли даражада ошди. Бу ютуқлар заводнинг ички бозор ва экспорт учун сифатли ёқилғи етказиб берувчи асосий корхона мавқеини мустаҳкамлади. Янги "KAMSARF" дизель ёқилғиси ишлаб чиқарилиши йилнинг муҳим воқеаси бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ушбу инновацион маҳсулот илгор технологиялардан фойдаланган ҳолда яратилган. Бу экологик тозаллиги билан ҳам ажралиб туради. Шунинг учун унинг бозорда ўз ўрнини топишига ишонч катта.

Завод ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишда давом этмоқда. Замонавий технологияларни жорий этиш ва қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириш БНҚИЗга халқаро сифат стандартларига жавоб бериш, рақобатбардошликни ошириш ва экологик юкни камайитириш имконини беради.

САНОАТ КОРХОНАСИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ҲАҚИДА...

Таъкидлаш жоизки, яқинда заводда технологик ускуналарни профилактик таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу эса технологик қурилмаларнинг ишончлилик даражасини оширади. Шунингдек, углеводород хом ашёсини қайта ишлашда ускуналарнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилади.

Бугунги кунда Бухоро НҚИЗ маҳсулот ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни ўз ичига олган катта мажмуа ҳисобланади. Корхона томонидан нафақат ишчи-ҳодимлар, балки яқин атрофдаги аҳоли пунктларида истиқомат қилувчилар учун Нефтичилар шаҳарчаси, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, маданият саройи, ёшлар меҳмонхонаси ва иқлимни юмшатиш учун сунъий қўл барпо этилган.

Маълум бўлишича, ўтган йилнинг март ойида заводга туташ ҳудуднинг 3 гектар майдонида 3376,5 кВт қувватга эга қуёш электр станцияси ўрнатилиб, ишга туширилган. Корхона объектларида ўрнатилган қуёш электр станцияларининг жами қуввати 5870 кВт га етган.

Завод "Яшил макон" давлат дастурини амалга оширишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўтган уч йилда корхона ҳудудига 38 минг 700 дан ортиқ кўчат, жумладан, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Ҳозир Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖда жами 3500 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Корхона ўз ҳодимларининг соғлигини яхшилашга катта эътибор қаратиб келади.

Масалан, доимий тиббий кўрик натижаларига кўра ва завод ҳодимларининг илтимосига биноан ҳар йили 250 нафарга яқин ишчилар республиканинг турли касалхоналари ва сихатгоҳларида соғлигини яхшилади. Ўқув йили сўнггида завод ишчиларининг 1000 га яқин мактаб ёшидаги болалари "Нефтичи" ёзги соғломлаштириш оромгоҳида дам олишади.

Завод ишчи-ҳодимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жамоа шартномасида бир қатор имтиёз ва кафолатлар белгиланган. Жумладан, ҳодимлар олий ўқув юртларида (шу жумладан, чет эл) таълим олаётган фарзандлари учун, шунингдек, оғир сурункали касалликлар ёки мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказганларида моддий ёрдам кўрсатиш орқали ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда.

Бухоролик партиямиз фаолларининг айтишича, вилоятдаги барча байрамларда завод раҳбари эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган болалар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ҳолидан хабар олади, уларга совға-саломлар топширади.

Заводда ишлаб келаётган ишчи-ҳодимларга қўллаб имкониятлар яратилган. Корхона асосий ишлаб чиқариш фаолияти нефть-газни қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, республикадаги бир қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг техникавий йўналишдаги мутахассисликлар битирувчилари ишлаб чиқариш амалиётини заводда ўтамоқда.

Ўзбекистондаги гигант заводлардан бири бўлган Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи фаолиятини бир саҳифага сиғдиришнинг ўзи қийин. Чунки, бу завод нафақат Ўзбекистон нефть ва газ саноатининг флагмани, балки иқтисодиётимизнинг локомотиви, ижтимоий барқарорлик ва замонавий инновацион ёндашув намунаси.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



даги асосий марказларидан бирига айланди. Мамлакатимиз саноатида муҳим ўринни эгаллаган, давлат стратегик аҳамиятидаги ушбу завод ишга тушганидан буён ўтган йиллар ичида саҳро бағрида азим шаҳарча қурилди, инфратузилма шаклланиб, инсонларнинг фаровон яшаши ва меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароит яратилди.

Ўтган даврда заводда замонавий илгор инновацион технологиялар, юқори самарали ускуналар, янги материаллар, шу жумладан, янги катализаторлар, эскирган ускуналарни алмаштириш, йирик инвестиция лойиҳаларини жалб этиш орқали мақсадли ишлар олиб борилди. Бугун завод республика иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолисини ўта зарур бўлган нефть маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб келмоқда.

Тарихга назар...

1998 йилда Бухоро нефтини қайта ишлаш заводида нефтни электртузсизлантириш ва сувсизлантириш (ЭЛОУ-1) қурилмаси, 2005 йилда эса нефть ҳажмини ошириш мақсадида иккинчи (ЭЛОУ-2) қурилмаси ишга туширилди. Бу нефтни қайта ишлаш қувватини икки баробарга ошириш имкониятини берди.

Заводда ишлаб чиқарилаётган нефть маҳсулотларининг турларини кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини халқаро стандартлар талаби даражасига етказишга қаратилган дастурлар доимий равишда жорий этиб ке-

ушбу ёқилғи билан барқарор таъминланиб келинмоқда.

2011-2014 йилда заводга келадиган углеводород хом ашёсини тўкиш жараёнини тезлаштиришга имкон берувчи янги темир йўл эстакадаси ишга туширилди (2011 йил) ва сифмлар парк кенгайтирилди (2014 йил). 2014-2020 йилда АИ-80-М5 маркали автомобиль метанол бензинини (2014 йил), пиролиз газолини (2016 йил), пропанли совутгич (2017 йил), Евро-4, Евро-5 синфидаги дизель ёқилғисини (2020 йил), юқори октанли QiWatt-95 автомобиль бензинини (2020 йил), 2021-2022 йилда Евро-6 синфидаги дизель ёқилғисини ва АИ-98 маркали юқори октанли автомобиль бензинини (2021 йил) ҳамда JET A-1-SSF ярим синтетик авиация ёқилғисини (2022 йил), 2023 йил Евро 4, 5 синфидаги SSDF юқори сифатли ярим синтетик дизель ёқилғисини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ўзбекистоннинг энг йирик энергетика иншоотларидан бири бўлган ушбу корхона нафақат мамлакатимиз, балки чет эллардаги истеъмолчи харидорларнинг ҳам юқори сифатли нефть маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириб келмоқда.

Шу маънода айтадиган бўлсак, ушбу гигант корхона мамлакатимизнинг саноат инфратузилмасида муҳим ўрин тутади.

чиқаришни диверсификация қилиш имкони яратилмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мутахассисларимиз биринчилардан бўлиб заводда халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган сифатни бошқариш тизимини жорий этишга киришдилар. Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати углеводород хом ашёсини қайта ишлаш ва замонавий турдаги нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконини беради.

Заводнинг технологик қисмини лойиҳалаш ва қуриш Франциянинг "Merichem" компанияси иштирокида амалга оширилган. Туркиянинг "Гамма" компанияси заводнинг технологик қисми қурилишида иштирок этган. Заводда турли марказлардаги автомобиль бензинлари, авиация ёқилғиси, "Эко"дизель ёқилғилари, пиролиз газолини, пропан совутгичи, сулфтирилган газ, техник олтингургур каби талаб юқори бўлган нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Бугунга келиб, бирламчи ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган ички эҳтиёж тўлиқ таъминланиши баробарида, хом ашё ҳамда маҳсулотлар экспорти мунтазам равишда оширилляпти. Заводда дақиқасига 5 тонна нефть маҳсулоти қайта ишланади.

2024 йил Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи (БНҚИЗ) учун муҳим йил бўлди. Бу йил нафақат ишлаб чиқариш ютуқлари, балки профессионаллик, инновациялар ва ижтимоий масъулият ҳамжиҳатлиги намунаси бўлди.





ЯНА ТҶЙЛАР ҲАҚИДА... ЎЙЛАРИМИЗ ЖУДА КЎП!

Шукр, ўзбекнинг нимаси кўп тўйи кўп. Чақалоқ туғилганидан бошлаб бешик тўй, суннат тўй, мучал тўй, ни-коҳ тўй каби фарзандга аталадиган яхши кунларимиз кўп. Хуллас, халқимиз ўзининг тўйлари билан машҳур. Хурсандчилигини, яхши кунларини элга дастурхон ёзиб, тантана қиладиган, борини эл-юрт билан баҳам кўришни истайдиган халқмиз. Кексаларимиз ҳам қўлини дуога очганда албатта, “топганинг тўйларга буюрсин, бошинг тўйдан чиқмасин”, дея ниятни катта қилишади. Тўғри, бундай хуш-хурсандчилик кунларнинг кўп бўлган-ни яхши. Аммо бу дабдабазлик, манманлик, ким ўзарга тўй қилиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Хуллас, тўй-ларимиз ҳақида ўйларимиз жуда кўп.

Одамларимиз азалдан шундай. Тўй учун мол-ҳол қилади, йиғинади, топганини сан-диқнинг тубига ташлаб қўяди. Бунинг учун ўзини ўтга, сувга уриб пул топади. Чет элга саёҳатга бориш ҳаёлига ҳам келмай-ди, лекин тўй бошлаб қўйса борми, емай, ичмай, рўзғордан сиқиб, охирги тийин-тий-ини қолгунча сочади, етмаганини қарз-ха-вола қилади. Яратганнинг куни кўп бўлса, бир кун қарзини тўлайди-да, пул кетса кетсин, обрў кетмасин. Кинода айтганидек: “тўй-тўйдай бўлсин, маҳаллада дув-дув гап бўлсин”...

100 ЙИЛ АВВАЛ ҲАМ ШУНДАЙ ЭДИ (МИ?)

Тўйлар мавзусида жуда кўп гапирилади. Аввалдан шундай. Қаранг, бундан 100 йил аввал ҳам тўй мавзусида қизгин баҳс-муно-заралар бўлиб ўтганини кўриш мумкин. ХХ аср бошида жадид боболаримиз тўй-маъ-ракаларимиздаги исрофгарчилик ва дабда-базлик миллатимизни маънавий таназзул ва қашшоқликка етаклайдиган иллат экани ҳақида куюниб ёзганларини эслайлик.

Жумладан, 1903 йилнинг 18 декабрида “Туркистон вилоятининг газети”даги мақо-лада таъкидланганича, маҳаллий аҳоли томонидан “бетартиб ва бефойда” тўйлар ўтказилган. Унда тўйдан олдинги урф-одат-лар тўғрисида танқидий фикрлар айтилган эди.

Тарихий манбаларга назар солсак, ХХ аср бошларида ҳам Туркистонда тўйлардаги исрофгарчилик очикчасига танқид қилиб, олим-у уламолар уларни бартараф этиш йўлларини қидиришганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Маълум бўлишича, ўша пайтларда ҳам тўйларда ҳаддан зиёд дабдабага берилиб, исрофгарчиликларга йўл қўйилган. Тўй қилишнинг оқибатида кўпгина кишилар қарзга ботиб, тўлолмай, бор мол-мулки ва еридан ажралиб қолганлар ҳақида ҳам ёзилган. Дунёнинг ҳеч бир миллатида бу ҳол учрамаслиги кўп бора таъкидланган.

Ўша пайтларда чоп этилган бир газе-тада шундай ёзилади: “Бир қанча бойла-римиз ҳаддидан зиёда тўйлар қилиб, ҳар бир одамга беқасам, мовут, сатин ва бошқа қимматбаҳо тўнлар кийгизиб халқни ҳайрон қилди. Кейин сағал кун ўтмасдан ўзлари ҳайрон бўлиб қолдилар, тўй ўтказгандин бир ойдан сўнг, синиб, беобрў бўладурлар”.

Туркистон ҳадидчилик ҳаракатининг раҳбари Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам бу ҳақида куюниб, “Бизни кемирувчи иллат-лар” номли мақоласида халқни кемирувчи ҳақиқий иллат, ҳар қандай даврдан энг огири бўлган тўй ва маъракалар бутун Туркистон шахарлари ва қишлоқларини қамраб, халқни инкнрозга йўналтираётган-ини ёзади.

М. Бехбудий ёзади: “Катта тўй қилиб хо-тун олган бечораларнинг ҳолига йиғламоқ керак. Уч кунлик тўйнинг азаси баъзи ои-лаларда ўн йил, ҳатто бир умр сурар, балки беватан ва хонавайронликка сабаб бўлур”.

Тарихий манбаларда келтирилишича, 1917 йил уламо ва олимлар Тошкенда йиғи-лишиб, унда айнан тўйлар масаласи муҳо-кама қилинади.

Мунаввар қори Абдурашидхонов бошчи-лик қилган ушбу йиғин якунида тўйлардаги исрофгарчиликларни жиловлаш бўйича қарор қабул қилиниб, барча ҳудудларга юборилади. Маълум бўлишича, ушбу қарор-да бир қанча нормалар белгиланган эди.

Масалан, никоҳ тўйларида куёвнавкар-лар сони қирқтадан ошмаслиги, тўйлардан кейин «қирқ», «йигирма», «етти» деган хурофий маросим ва маъракалар ўтказил-маслиги, ортиқча мато, кўрпаликлар бериш тўхтатилиши кераклиги кўрсатилганди.

Этиборли яна бир жиҳати, йиғилиш қарорида жамиятдаги бадавлат, давлатманд кишиларга мурожаат қилинади ва ҳайр-эх-сонни очдан ўлаётганлар ва касалларга бериш сўралади.

Қарор якунида кўрсатилган меъёрлар-ни бузган кишиларга нисбатан баённома тузилиб, унинг ижроси жойлардаги қози-лар, миршабларга юклатилади. Бу «Нажот» газетасининг 1917 йил 27 апрель сониди босилиб ҳам чиқади.

Энди тасаввур қилинг, бу биринчи жаҳон уруши даврига тўғри келади. Ҳамма жойда очарчилик, қийинчилик пайтлари бўлган. Шундай бўлса-да, бизнинг уламолар никоҳ тўйларида кичик тўй, қозон қайтариш, юз кўрар, қиз оши бериш ва фойдасиз молларни йиғиш, араваларга ғалла ва бошқа нарсалар ортиб тўй юбориш, қалин олиш ва шунга ўхшаш исрофгарчиликларга барҳам бериш кераклигини кун тартибига қўйишган.

Демак, бундан 100 йил аввал ҳам одам-ларимиз орасида бир кунлик тўй, бир кун-

лик обрў ортидан қувиш ҳолатлари бўлган. Афсуски, йиллар, асрлар ўтса ҳамки, бу иллатдан халос бўлганимиз йўқ. Йиллар ўтса-да, замон ўзгариб бораётган бўлса-да, бу иллат оёғимизга кишандек ёпишган, бизни қўйворгиси келмайди.

“ЎНТА ҚҶЙ НИМА БЎЛАДИ? ДУШМАНЛАРИМ АЛАМИДАН КУЙИБ ЎЛСИН, ДЕЙМАН-ДА.”

«Маҳаллада дув-дув гап» фильмида аёл тўй арафасида турмуш ўртоғидан «Тўйга нечта қўй олдингиз?» деб сўрайди. У паст овозда «битта» деб жавоб берганида, кўш-нилар ҳам эшитсин, деб баланд овозда шу гапни айтади.

Ушбу картинадаги биргина жумланинг ўзи ҳам айрим инсонларимизнинг тўй ҳақи-даги қарашларини, атрофдагиларга кўз-кўз қилиш учун, “одамлар нима дейди” қабили-да иш тутишини яққол кўрсатиб турибди.

**Меҳрибон САЪДУЛЛАЕВА,
Янгиҳаёт туманидаги “Зарбдор”
маҳалласи феоли:**

– Яқинда бир танишимиз тўй қилди, таклифнома бериб кетишди. Шу биргина қоғозда тўйга таклиф этилишдан бошқа яна бир маънони сездим. Ёъни, ҳашамат-га ўчлик, кичкина бахмалли сандиқча, ичида таклиф қоғози билан бирга турфа ширинликлар. “Энди шунақаси ҳам чиқиб-димми”, деб ҳайрон қолдим. Бу ким ўзарга тўй қилиш, тўй баҳонасида атрофдагиларга ўзининг мол-у давлатини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас. Тўй ипидан игнасигача “тўй бўлсин, зўр бўлсин!” қабилида таш-кил этилганга ўхшайди.

Таклифномани кўриб ҳайратдан ёқа уш-лаган бўлсам, тўйга бориб, тилим лол бўл-ди-ю қолди. Дастурхонда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Сушидан тортиб, турли-туман икра-ларгача. Иссиғ-у яхна таомлар тортилди. Ўйлаб кўринг, одам шунча овқатни икки-уч соат ичида еб тугата олиши мумкинми? Бир кечалик тўйда қанча егуликлар, таомлар



исроф бўлди. Бу яхши эмас, исрофгарчи-лик – мол-дунёни беҳуда сарфлашнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Бизга ота-боболаримиз ҳар бир нарс-ани меъёр билан сарфлашга ўргатишган. Ахир неъматларнинг эҳтиёждан ортиғини ишлатиш увол саналади. Қанча меҳнат, қанча ҳаракат, қанча харажатнинг ва мана шу таомларни тайёрлашга кетган вақтнинг исрофи ҳам гуноҳ-ку. Боболаримиз бежиз тинимсиз исрофгарчилик йўқчиликка йўл очади, дейишмаган.

Бундай дабдабазлик, манманлик, тўқликка шўхлик қилувчи одатлар қадри-ятларимизга мутлақо мос келмайди. Улар халқимизнинг кўҳна ва бой маданияти эмас, аксинча айрим кимсаларга хос бўл-ган мақтанчоқлик, хўжақўрсинлик, кибр-у ҳавода намоён бўлмоқда.

Бунга бировнинг кучи етади, бировни-ки етмайди. Атрофидаги бой қўшнилари, қариндошларига қараб шундай дабдабали тўй қиламан, деб бўйнигача қарзга ботган одамларимиз ҳам кам эмас. Кейинчалик қарзини тўлолмай, қариндошлари, дўстлари билан зиддиятларга борган, юз кўрмас бў-либ кетганлар ҳам бор. Фарзандининг тўй-идан кейин юрак хуружини бошидан кечир-ганлар ҳам борлиги дилини хира қиладди. Ёки дабдабали тўй қиламан, деб катта хара-жатлар ортидан қарзга ботган, кейинчалик ундан қутулиш учун чет элга ишлаш учун

чиқиб кетаётганлар ҳам оз эмас. Ҳашамга кўрби етмай, оиласида жанжал чиқаётган-лар, кўрпасига қараб оёқ узатмайдиганлар қанча?

Ана шундай вазиятлар ҳаммамизнинг кўз олдимизда содир бўлмоқда. Улар қўшнимиз, маҳалладошимиз, яқинимиз ёки ака-укамиз бўлиши мумкин. Шуни кўра-била туриб, нега бунчалик дабдадага бериляпмиз. Хўш, нега тўйларда харажатларни камайитириш бўйича қабул қилинаётган қарорлар қутил-ган натижани бермаяпти. Балки назоратни, чораларни кучайтиришимиз керакдир...

ТҶЙ ЎЗИНИ "КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИШ"ГА БАҲОНАМИ?

Афсуски, бу иллатга барҳам бериш, тўй-маъракаларни ихчам, замонавий кўри-нишда ўтказиш ўрнига, кундан-кунга янги одатлар пайдо бўлмоқда, тўйдан олдин ва кейин бўладиган керакли-кераксиз тadbир-лар ўйлаб топилмақда.

Айтайлик, никоҳ тўйида нон синдири-либ, унаштирув бўлгандан кейин фотиҳа тўйининг тарадудига тушишади. Аёллар тўйга келувчиларнинг деярли ҳаммасига сарпо-суруқ тайёрлаши керак. Айниқса, қуда томонга 3-4 кийимлик қиммат мато, рўмол ва бошқа устки кийимлар, яна 20-30 аёлга кийимлик матолар совға қилинади.

Келин томоннинг мебел-у сарпо-суруқ ҳамда куёвнинг уйини безаш каби бемаъни иллатлари ақли бор одамни хушёр тортиради.

Баъзи вилоятларда “куёв навкар”, “чорлар”, “ота кўрди”, “сеп ёйди”, “қуда қақирди”, “куёв қақирди”, “келин қақир-ди”, “тоғора юбориш” каби “удумлар” ўтказилади. Тўйларда ҳам ҳаддан ортиқ бачканаликлар авжига чиққан. Пул со-чиш, қатор-қатор машиналарда сайр қилиш ҳолатлари, дастурхонда қошиқ қўйиш учун жой қолмагани, одамлардан ортиб қолиб чиқиндига ташланадиган улкан торт кесиш, хуллас, бу қатор давом этаверади. Таниқли санъаткорлар келишига қараб тўй-тантана-ларга баҳо бериш урфга кирганини эшитиб ҳайратланасиз очиги.

Шу билан қанийди харажатлар тугаса. Ҳали олдинда “келин салом”, “ота кўрди”, “куёв оши”, “келин қақирди” сингари маро-симлар бор. Тўй куни келолмаганлар “қул-

**Дилбар МАМАДЖАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-даги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

– Тўйларни камхарж ўтказиш, дабда-базозликка йўл қўймаслик борасида кўп гапирилди. Ҳатто бу масала давлат даража-сигача қўтарилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бундан бир неча йил аввал Олий Маж-лис Сенати Кенгаши ва Қонунчилик палата-си Кенгашининг “Тўйлар, оилавий тантана-лар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомил-лаштириш тўғрисида”ги қўшма қарори қа-бул қилинди. Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва Республика “Нуроний” жамғармаси Ўзбекистон халқига тўй-ҳашам-лар ва маъракаларни камхарж ва тартибли ўтказиш бўйича мурожаат билан чиқди.

Унда тўйлар, оилавий тантаналар, маъ-рака ва маросимлар ўтказишда шўхратпа-растлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқалар-нинг ижтимоий аҳволини инобатга олмас-лик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини менсимаслик каби иллатларга қарши зарур чора-тадбирлар белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, коро-навирис пандемияси шароитида тўйларда меҳмонлар сонини қисқартириш, камчилик билан, камхарж қилиб ўтказиш бўйича қарорлар қабул қилинди. Ушбу тартибга амал қилмаганларга нисбатан тегишли чоралар ҳам қўрилди.

Аммо, ушбу чоралар тўйларни бирозгина тартибга солаётгандек туюлса-да, барибир самараси қутилганидек бўлмаяпти. Ўйла-шимча, тўй-маросимлар борасида Сенат ва Қонунчилик палатаси белгиланган меъёр-ларга амал қилмаганларга жавобгарлик белгилаш вақти келди.

Шунча тўшунтириш-тарғиботга қарамай, тўйларда юракни ачиштирадиган исроф-гарчилик, дабдабалар аримаяптими, демак ёшларимиз билан кўпроқ ишлашимиз ке-рак. Уларнинг ҳою- ҳавасларини “зўр” тўй қилиш эмас, балки зўр таълим олиш, кўп китоб ўқиш, тил ўрганиш ниятлари билан чамбарчас боғлашимиз керак. Ёшлиқдан ана шу нарсани уларнинг ониги сингди-риб, таълим олишга, чет элнинг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олишга рағбатланти-риб улғайтиришмиз лозим.

Оммавий ахборот воситаларида ҳам тарғиботни кучайтириш, оила маблағла-рини фақат тўй-ҳашамларга эмас, бал-ки таълимга йўналтириш, керак бўлса, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш масаласини кўпроқ қўтариш керак, деб ўйлайман.

Ҳақиқатан ҳам, жамиятда пули кўп одамларнинг харажатлари анъанага айла-ниши керак эмас. Ҳаётда ҳамманинг ша-роити ҳар хил. Кимдир топарман-тутарман, кимнидир эса қўли калтароқ. Аммо имко-ниятга қараб тўй қилишга келганда, бу чекловнинг аҳамияти қолмагани ҳақ гап. Одамларимизнинг тўйлар масаласидаги нуқтаи назарини ўзгартириш вақти аллақа-чон келган. Бизнингча, аввало, мансабдор шахсларнинг, маҳалладаги обрў-этиборли инсонларнинг тўйини намуна қилиб ўтка-зиш керак. Тўғри, одамларни мажбурлаб бу исрофгарчилик ва оворагарчиликлар-га чек қўйиб бўлмайди. Аммо бир-икки кўзга кўринган, обрўли инсон ихчамгина тўй қилса, бўларкан-у шундай қилса, деб секин-асталик билан бошқалар ҳам шунга эргашади.

Бир кунлик тўйга аталган катта сарф-ха-ражатлар фарзандларнинг таълимига сарфланса, бу нафақат ўша оиллага, балки жамиятга ҳам наф келтиради.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

““

БИЗГА ОТА-БОБОЛА-РИМИЗ ҲАР БИР НАРСАНИ МЕЪЁР БИЛАН САРФЛАШ-ГА ЎРГАТИШГАН. АХИР НЕЪМАТЛАРНИНГ ЭҲТИЁЖ-ДАН ОРТИҒИНИ ИШЛАТИШ УВОЛ САНАЛАДИ. ҚАНЧА МЕҲНАТ, ҚАНЧА ҲАРАКАТ, ҚАНЧА ХАРАЖАТНИНГ ВА МАНА ШУ ТАОМЛАР-НИ ТАЙЁРЛАШГА КЕТГАН ВАҚТНИНГ ИСРОФИ ҲАМ ГУНОҲ-КУ. БОБОЛАРИ-МИЗ БЕЖИЗ ТИНИМСИЗ ИСРОФГАРЧИЛИК ЙЎҚ-ЧИЛИККА ЙЎЛ ОЧАДИ, ДЕЙИШМАГАН.



ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ (ЖАР) ХИЛМА-ХИЛ ЭКОТИЗИМГА ЭГА КИТЪАДАГИ МАМЛАКАТДИР. АҲОЛИСИ ЭТНИК ЖИҲАТДАН ТУРЛИЧА БЎЛИБ, ФУҚАРОЛАРИНИНГ ТАХМИНАН 80 ФОИЗИ ЗУЛУ, КОСА, СУТО, ТСОНГА, ТСВАНА СИНГАРИ ХАЛҚЛАРГА МАНСУБ ҚОРА ТАНЛИЛАРДАН ИБОРАТ. КЕЛИБ ЧИКИШИ ЕВРОПАЛИК БЎЛГАН АҲОЛИНИНГ УЛУШИ ЭСА 10 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. МАЗКУР ДАВЛАТДА 12 ТА РАСМИЙ ТИЛ АМАЛ ҚИЛАДИ. ЎЛКАНИНГ ИЧКИ ҚИСМИДА ЖОЙЛАШГАН КРЮГЕР МИЛЛИЙ БОҒИ ФЛОРА ВА ФАУНАСИ, ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ БИЛАН ТОБОРА САЙЁҲЛАР ЎРТАСИДА ОММАЛАШИБ БОРМОҚДА.

ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ: СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪСИР ДОИРАСИ

Бошқарув шакли. Жанубий Африка Президентлик ва парламент республика-сидир. Президент аксарият масалаларда парламентнинг қўллаб-қувватлашига таянади. Провинциялар Миллий Кенга-ши (юқори палата, 90 аъзо) ва Миллий ассамблеядан (400 аъзо) иборат икки палатали парламент фаолият юритади. Жанубий Африка халқи ҳар беш йил-да янги парламентни сайлайди. Куйи палата аъзоларига пропорционал тизим бўйича овоз берилади. Депутатларнинг ярми умуммиллий, ярми провинциялар рўйхатига киради. Ҳар бир ҳудуд, аҳо-лисидан қатъи назар, ўнта аъзони юқори палатага юборади. Ҳукумат куйи пала-тада тузилиб, унда кўпчиликини ташкил этадиган партия етакчиси Президент лавозимини эгаллайди. Шу боисдан ҳам Жанубий Африкада парламент муҳим рол ўйнайди. Парламент аъзолари халқ вакили бўлиш учун сайланиб, халқ овози сифатида ҳаракат қилади ва халқ олдида ҳисоб беради.

Парламент аъзолари кўмиталарда ёки дебатлардаги мунозараларда қатнашган чоғда палаталар қоидаларига риоя қил-ган ҳолда сўз эркинлигига эга. Бундан ташқари, парламент ишида жамоатчилик иштироки муҳим ҳисобланади. Чунки, Конституция парламентни қонун ижод-корлиги жараёнида аҳоли иштирокини таъминлаш, кўмита йиғилишлари ва Вакиллар палатасига жамоатчилик кири-шини таъминлаш учун оқилона чоралар кўришга мажбур қилади.

Конституция билан парламентга бе-рилган яна бир муҳим ваколат ўз ички тартиб-қоидаларини ўзи белгилаши ва эркин бошқариш ҳуқуқидир.

Миллий партия 1924–1939 ва 1948–1994 йиллари ҳокимият тепасида бўл-ган. 1948 йилги сайловларда ғалаба қозонгач, мамлакатда ирқий бўлинишлар асосидаги ўта қаттиқ қонунларни жорий қилади. Бу қонунлар негизида «дав-лат – оқ танлилар учун» шиори ётарди. Ваҳоланки, аҳолининг умумий сонига нисбатан оқ танлилар улуши 20 фоизга ҳам етмасди.

Апартеид (апартеид – африканс тилидан олинган бўлиб, бўлиш, ажра-тиш, алоҳидалаш дегани) эълон қилин-гач, ижтимоий ҳаётда қора танлилар оқ танлилардан қонуний асосда ажратилди. Қора танлилар ҳаттоки, фуқаро сифа-тида ҳам кўрилмаб, бантустанлар деб аталиб, ташландиқ ҳудудларга сиқиб чиқарилди, ҳосилдор ва ривожланган жойлар «оқ ҳудудлар» дея атала бош-ланди. Бундай ирқий ажратиш олий таъ-лимга ҳам кириб борди. Оқлар, қоралар, осийликлар ва «ранглилар» (метислар) учун алоҳида олийгоҳлар очилди. Қора танли полициячилар оқ танлиларни

қўлга ололмасди. Ирқий камситишга учраган аҳоли яшайдиган ҳудудларда инфратузилма хароб аҳволда бўлиб, кўп жойларда сув, электр йўқ, тиббий хизмат қоқоқ, шифокорлар етишмасди. Оқ танли аҳоли учун эса бу хизматлар жуда яхши йўлга қўйилганди. Қонли тўқнашувлар, тутуриқсиз ирқий ажратишлар халқаро ҳамжамият томонидан қаттиқ қораланди. 1976 йил БМТ апартеид сиёсатига қарши конвенцияни қабул қилди. Моҳиятига кўра, ирқчиликка асосланган бемаъни сиёсат африкалик оқ танлилар ҳаётида ҳам, қора танлилар ҳаётида ҳам шахсий фожиаларни келтириб чиқарди. У иқти-соднинг, фан, техниканинг тараққиётига тўсқинлик қилди. Зеро, бу соҳаларда на ирқ ва на миллат деган чегара мавжуд эмасди. Шунингдек, бу фожиалар фақат ЖАРнинг ўзида эмас, балки унинг қўл остида бўлган Намибияда ҳам ўз асорат-ларини қолдирди.

Миллий партиянинг ирқчиликка асос-ланган сиёсати ҳар томонлама кескин қаршиликка учраган, апартеид сиёсати 1994 йилда буткул барҳам топди. Муро-сасиз ирқчилик мавқеида турган кўплаб одамларнинг норозилигига қарамасдан, ўтказилган ислохотлар ЖАРда илк ма-ротаба ирқчиликдан холи парламент сайловлари ўтказилишига ҳамда мамла-кат аҳолисининг тана ранги ва ирқидан қатъи назар тенг ҳуқуқчилиги Конститу-ция даражасида мустаҳкамланишига олиб келди.

Африка миллий конгресси (АМК) мам-лакат туб аҳолиси вакилларининг қадим-ий сиёсий ташкилотидир. Ҳозирги кун-да Жанубий Африкада ҳукумат тепасида турган мазкур партия 1912 йилда ташкил топган. У ирқий камситишларга қарши бўлган ва Жанубий Африкадаги барча халқларнинг тенг ҳуқуқчилиги учун курашган. 1994 йилда кўппартиявийлик асосида ўтказилган умумий сайловларда 63 фоиз овоз билан ғалаба қозонган ва мамлакатдаги бошқарув тизимини бутун-лай ўзгартириб юборган .

СЎНГИ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ

Жанубий Африка Республикасида 2024 йилнинг 29 май куни парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда Афри-ка Миллий Конгресси партияси 30 йил ичида илк бор сайловчиларнинг мутлақ кўпчилик овозига эга бўла олмади. 40,2 фоизлик натижа партиянинг апартеид тизими яқунланган даврдан кейинги энг паст кўрсаткич эди. Мухолифатдаги сиёсий куч “Демократик иттифок” 21,7 фоиз овоз билан иккинчи, собиқ Прези-дент Жейкоб Зума бошчилигидаги янги сиёсий куч “Умконто ве сизве” (“Миллат

найзаси”) қутилмаганда учинчи ўриндан жой олди. Сайловчиларнинг 14,5 фоизи мазкур партияни қўллаб-қувватлаб, овоз берган. “Иқтисодий эркинлик учун ку-рашчилар” 9,5 фоиз, яна тўртта партия 1 фоиздан 3,8 фоизгача овоз тўплаган.

1994 йилдан бери ҳукумат тепасида бўлиб келган Африка миллий конгре-си 40,2 фоизлик натижадан сўнг итти-фокдаги ҳукуматни шакллантириш учун мухолифатдаги “Демократик иттифок” ва яна 2 та партия билан музокара юрити-шига тўғри келди.

Иқтисодий таҳлилчилар АМК ва “Де-мократик иттифок” коалициясига мамла-катнинг инвестициявий жозибадорлиги жиҳатидан энг маъқули, деб баҳо бериш-ганди. Шунга қарамай, ягона келишувга эришиш оғир кечди. Боиси икки томон ўнлаб йиллар давомида рақобатлашиб келган. Узоқ ва мураккаб давом этган музокаралардан сўнг ЖАР парламенти Сирил Рамафосани қайта Президент этиб сайлади.

"УЧ ПОЙТАХТ"ЛИ МАМЛАКАТ

Ҳукумат Преторияда, суд тизими Блумфонтейнда, парламент эса Кейп-таунда фаолият юритади. Шу сабабли ҳам Жанубий Африкани кўпинча "уч пойтахт"ли мамлакат, деб аташади.

Претория яшиллик бурканган, бинолари улкан ва осмонўпар, ривож-ланган шаҳардир. Мамлакатнинг жану-би-шарқида, Апис дарёсининг гўзал во-дийсида жойлашган бу шаҳарни шимол ва жануб томонидан нафис тепаликлар занжири ўраб олган. Юмшоқ иклими маҳаллий флора ва фаунага ижобий таъ-сир кўрсатади. Шунинг учун Претория жуда кўп гуллайдиган дарахтлар, бутал-лар, палма ва турли хил гуллари билан машҳур.

Кейптаунда эса ноёб архитектура би-нолари ва бетакрор табиатидан ташқари, Жанубий Африкадаги энг йирик денгиз порти жойлашган. Кейптаун атрофидаги оқ қумли сохиллар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

"Атиргуллар шаҳри" Блумфонтейн Жанубий Африканинг суд тизими рам-зи. Фри-Стейт провинцияси пойтахти ва мамлакатнинг жўғрофий юрагидир.

Мис, олтин, кўмир, марганец ва темир рудалари (жами 40 дан ортиқ турдаги минераллар) қазиб олинадиган давлатда аҳоли турмуш тарзи ҳам йилдан йилга яхшиланмоқда. Бирок, узоқ йиллар ҳукм сурган апартеид тизими ва ундан аввал-ги колонизация даври етказган зиён асо-ратлари ҳозирча тўлиқ барҳам топмаган.

Хуршидабону НАЗАРОВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири

ХОРИЖ ХАБАРЛАРИ

КЎПЛАБ ДАВЛАТЛАР БОЖЛАР ОШИШИДАН НОРОЗИ



Европа Иттифоқи АҚШ Президентининг ме-талл импортига киритган 25 фоизлик божла-ри жавобсиз қолмаслигини ва кескин чоралар кўрилишини таъкидлади. Баъзи давлатлар эса истисно ёки имтиёзларга умид қилмоқда. Ма-салан, Канада Бош вазири Жастин Трюдо Ва-шингтон билан бу масала юзасидан музокаралар олиб боришга тайёрлигини билдириб, Оқ уй маъмуриятини ҳамкорлик қилишга қақирган. Дональд Трамп Президентлигининг биринчи муддатида ҳам пўлат ва алюминийга бож қўл-лаган эди. Бирок, кейинчалик бир қатор шерик-ларга – Канада, Мексика ва Бразилияга божсиз импорт квоталари тақдим этилган. Бразилиялик мутахассислар тарифларнинг оширилиши бирин-чи навбатда америкаликларнинг харажатлари кўпайишига олиб келиши ҳақида огоҳлантирди. Чунки Қўшма Штатлар пўлат ва алюминий ишлаб чиқаришда ўзини ўзи таъминлай олмайди.

ХИТОЙ ТЎРТ ОЁҚЛИ ҚЎТҚАРУВ РОБОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНА БОШЛАДИ



Хитой ёнғин ва қутқарув хизматлари учун мамлакатда ишлаб чиқарилган, ит киёфасидаги тўрт оёқли роботлардан фойдаланишга ўтди. Бу ҳақда Global Times газетаси хабар берди. Газета-нинг ёзишича, бундай машинани дастлаб Чанша шахридаги (Марказий Хунань вилояти) қўтқа-рув гуруҳларидан бири харид қилган. Янги Х30 қурилмалари DEEP Robotics томонидан ишлаб чиқилган. Роботнинг узунлиги 1 м, баландлиги 50 см, оғирлиги эса тахминан 56 кг атрофида.

У аллақачон бир нечта қутқарув машқларида қатнашган, жумладан, кўп қаватли биноларда синовдан ўтган. Шунингдек, экстремал шаро-итларга яхши мослашган ва топшириқларни 20 даража совуқдан 55 даража иссиқ ҳароратгача муваффақиятли бажара олади. Робот масофадан бошқариш пулти билан жихозланган ва Хитой энергетика объектларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида текширувлардан ўтган. Х30 модели реал вақтда алоқани қўллаб-қувватлайди ва ёнғин пайтида соғлиқ учун зарарли газларни ва бошқа хавфли омилларни аниқлай оладиган замонавий сенсорлар билан жихозланган.

ҚАҲВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КАМАЙИШИ ЭҲТИМОЛИ БОР



Бразилия ва Вьетнамдаги ноқулай об-ҳаво шароити жаҳон бозорига қаҳва етказиб бериш сезиларли даражада камайишига сабаб бўлиши мумкин. Дунёдаги энг йирик ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи Бразилия 2025 йилда қаҳва хо-сили паст бўлиши қутилаётганини билдирди. Бу эса мазкур ифорили ичимлик нархлари халқаро бозорда қимматлаши эҳтимоли борлигидан дало-лат беради. Бразилия қишлоқ хўжалиги вазирли-гининг расмий маълумотларига кўра, мамлакат бу йил 60 килограммик 51,8 миллион қоп қаҳва йиғиб олишни режалаштирмоқда. Бу 2024 йилга нисбатан 600 000 қоп (-4,4%) камдир. Брази-лия қаҳва экспортчилар Кенгаши (Cescafé) бош директори эса ҳосилни йиғиш апрель ойида бошланиши туфайли бу йилги сектор фаолияти-ни тўғри баҳолашга ҳали эрталигини, иқлим ва логистика билан боғлиқ муаммолар ишлаб чиқа-ришга таъсир кўрсатмаслиги ҳам мумкинлигини таъкидлаган.

Ҳикматли дунё

Тўғри ва ҳақ йўлда юрган кишининг юриши арслон юришидан ҳам маҳобатлироқдир.

Абулқосим Замахшарий

Донишманд ва олимларнинг хулқларидан ўрнак олиш яхши хулқни тирилтиради, ёмон-ни йўқ қилади.

Абу Райҳон Беруний

Донолар сўзига қулоқ илмасанг, энг нодон сендирсан – билгил, билмасанг.

Абулқосим Фирдавсий

У ердан бу ерга гап ташувчилар элнинг гу-ноҳини ўз бўйнига олувчилардир. Чақимчилик ҳатто чин гап бўлса ҳам, кўнгилсиздир, ёлғон бўлса, янада нафратлидир. Сўз етказувчининг хоҳ каттаси, хоҳ кичиги – дўзах ўтининг ту-тантриғи бил.

Алишер Навоий

Агар ўқисанг-у ўйламасанг чалкашиб қола-сан. Агар ўйласанг-у ўқимасанг шубҳа-гумон-лар тагида қолиб кетасан.

Конфуций

MUASSIS:		O'zbekiston Ovozi		Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA		Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.	
		TAHRIR HAY'ATI:		MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3		Navbatchi: Ravshan SHODIYEV	
Ulug'bek INOYATOV		Guliston ANNAQILICHEVA		Телефонлар: (71) 239-12-14		Г — 237. 1815 nusxada bosildi.	
Ulug'bek VAFOYEV		Muslihiddin MUHIDDINOV		Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru		O'za yakuni — Topshirilgan vaqti — 00:30	
Maqsuda VORISOVA		Olim RAVSHANOV		«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.		Nashr ko'rsatkichi — 220.	
Qalandar ABDURAHMONOV		Toshtemir XUDOYQULOV		Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.		t — Tijorat materiallari	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI						1 2 3 4 5 6 Sotuvda kelishilgan narxda	
Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.							